O`ZBEK SUBSTANSIAL TILSHUNOSLIGIDA TIL VA NUTQ MUNOSABATI

H. Ne`matov (BuxDU)

O`q ildizi o`rta asr arab tilshunosligida keng o`rganilgan paradigmalar borib taqaladigan, Yevropa tilshunosligida dastlab V.Gumboldt tomondan ilgari surilgan, lekin F.Sossur va uning izdoshlari (jumladan, Praga lingvistik to`garagi) asarlari orqali ommalashgan *til - nutq* dixotomoyasi funksional lingvistik tadqiq usuliga (Praga strukturalizmiga) dialektik tahlil tamoyillarining ongli va izchil tatbiqi samarasi bo`lgan o`zbek substansial (formal-funksional) tilshunosligida /1: / bir muncha boshqacha talqinga ega. Bunda *Lison-Me`yor-Nutq* munosabati dialektik **umumiylik, mohiyat, imkoniyat, sabab (UMIS)**ning ma`lum bir sharoitga - nutq sharoitiga (*NSh*) - mos ravishda muayyan moddiy shakl qabul qilgan holda **yakkalik, hodisa, voqelik, oqibat (YAHVO)** sifatida voqelanishi qonuniyatlari asosida sharhlanadi. Bunda *lison* va *lisoniy birliklar* UMIS, *nutq* va *nutqiy birliklar* YAHVO dialektik tabiatiga ega bo`ladi va shu nuqtayi nazardan turib tavsif va tahlil etiladi.

Til *lison, me`yor va nutq*ning dialektik butunligi (majmuasi) bo`lib, uning bosh ichki ziddiyati unda atash (nominativ) va ifodalash (ekspressiv) vazifalarning dialektik birligidadir. Atash vazifasi ramziy tizim umumiy qonunlariga mos ravishda shakl va mazmun simmetriyasini talab qilsa, ifoda vazifasi, aks hodisani talab qilib, tilning nisbatan barqaror, lekin ayni zamonda rivojlanuvchan, moslashuvchan, xilma-xil me`yorligini (har bir voqelanish sohasining o`z me`yorlariga molikligini) talab qiladi.

Lison UMIS tabiatli lisoniy birliklarning serqirra, ko`pqavatli sathlaridan tashkil topgan barqaror, tashqi muhit ta`siriga o`ta sezgir, o`zgarish, rivojlanish va moslashish immanent qobiliyatini o`z ichida mujassamlashtirgan murakkab qurilishli iyerarxik sistemadir. Uning **barqarorligi** asosi

-sathlar ichida lisoniy birliklarning uzluksiz nisbiy markaz-qurshov giponimik pog`onaviylik aloqalar bilan bog`lanishida,

-sathlardagi har bir pog`ona doirasida birliklarning o`zaro biror oppozitiv munosabatlarda turishida va nisbiy butunliklarga birikishida bo`lsa,

bu sistemaning immanent **o`zgaruvchanligi**

- lisoniy birlikda shakl va mazmun asimmetriyasi,

-uzluksiz nisbiy markaz-qurshov giponimik pog`onaviylik bosqichlari sonining va

-har bir bosqichda qurshov birliklari miqdorlarining nisbiy erkinligi,

-ko`p qavatli pog`onalarning har birida har bir lisoniy birlikning o`z pog`onadoshlari bilan ko`ptomonli zidlanishi va bir necha mikrosistemalarga aloqadorligi bilan ta`minlanadi.

Me`yor (*NSh*) lisonga, uning ichki qurilish tizimiga nisbatan tashqi omil bo`lib, lisoniy imkoniyatlardan (-sinonimik qatorlardan, lisoniy birliklarning dublet, allovariant va variantlari, sohaviy birliklaridan v.h.) har birining voqelanish o`rinlari va xususiyatlarini belgilaydi. Me`yor

- *lisoniy* an`ana bilan ham,

- sof *nolisoniy* (g`ayrilisoniy), jumladan:

- xilma-xil uslublar, tilning qo`llanilish sohalari va lisonning voqelanish usullari (badiiylik va kuchli ta`sirchanlik, yorqin ifodaviylik, obrazli tafakkur yoki aniqlik, ixchamlik, serinformativlik talablari v.h.) bilan ham,

-ijtimoiy shart-sharoit, qonun-qoida, rasm-rusumlar, til siyosati bilan ham,

-nutq jarayoni ishtirokchilarining diniy, madaniy, tabaqaviy, irqiy, milliy, hududiy, jinsiy, ruhiy, yosh v. b. xususiyatlari bilan ham,

-lison voqelanayotgan soha, hayotiy jabha talab va xususiyatlari bilan ham,

- lison voqelanishining bevosita nolisoniy shart-sharoitlari bilan ham belgilanishi mumkin.

Me`yorga ta`sir etadigan omillar juda ko`p va rang-barang bo`lib, tilshunoslikning maxsus tarmog`i - sotsiolingvistikaning markaziy tadqiq manbalaridan biridir.

Nutq lisonning me`yor elagidan o`tgan muayyan (yozma, og`zaki, tasviriy /imo-ishora, signal v.h./ shakllaridan birida) voqelanishidir.

Lison ham, *nutq* ham qurilish va voqelanish tamoyillariga ko`ra birlamchi ijtimoiy-ruhiy ramziy tizim (semiotik sistema), *me`yor* uning voqelanish sharoiti bo`lib, bevosita ramziy tizimga aloqador emas.

Lisoniy sathlar izchil giponimik munosabatli iyerarxik qurilishga ega bo`lgani holda lisonning o`zi uni tashkil etuvchi sathlari bilan iyerarxik gipo-giperonimik munosabatlar bilan emas, balki dialektik butun-bo`lak aloqalari bilan bog`lanadi /2:/. Bunda lison - butun, sathlar - bo`lak mavqeyida bo`ladi.

Bugun kundun-kunga ulg`aya borayotgan va milliy-ma`naviy istiqloq mevasi sifatida ommalashayotgan o`zbek substansial (formal-funksional) tilshinosligida til qurilishi va yashashi tahlilining bosh masalalaridan biri mana shunday tushuniladi va shu nuqtayi nazardan turib har bir bosqich birliklarining umumiy mohiyati, unga tayanib har sath birligi tabiati ochiladi, o`zbek tili qurilishining tavsifi beriladi.

ADABIYOTLAR

1. *O`zbek tilshunosligida bu yo`nalish haqida qar.:* Qurbonova M.M. *Ўзбек тилишунослигида формал-функционал йўналиши ва содда гап ўрулишини талқини.* ДДА. Т.: ТАИ. 2001; *Yana qar.:* Менглиев Б.Р. *Лисоний тизим яхлитлиги ва унда сатклараро муносабатлар.* ДДА. Т. ТАИ.2002; Qurbonova M.M. *Шозирги замон ўзбек тили. Гап синтаксиси учун материаллар.* Тошкент. Университет. 2002; Nimat G. Hamid. *O`zbek tilini struktural tadqiqi.* "3.Uluslararası türk dil kurultayı. Türk dil qurumu yayınları '1678. Ankara.2000. S.787-793;
2. Нигматова Л.К. *Ўзбек тилида привативлик (нофонологик сатклар).* НДА. Т.: ТАИ. 2004.

НАУЧНЫЙ СТИЛЬ КАК ЛИНГВИСТИЧЕСКАЯ КАТЕГОРИЯ

Т.А.Бушуй (СамГИИЯ)

Категория научного стиля изучается в последнее время (например, в английском, немецком и французском языках) в ракурсе общей тенденции к переходу от сравнения частотности конкретных грамматических форм и разрядов к интенсивному обследованию структуры абзаца, средств выражения межфразовой связи, особенностей разножанровых текстов и т.д. При этом в значительно меньшей мере уделяется внимание предложению - важнейшей единице языка и речи. Отсюда сущность категории научного стиля толкуется без сведений о структуре и функциях предложения в данной всё более актуализирующей-ся сфере языковой коммуникации. А между тем в рамках научного стиля элементарные предложения с семантикой состояния заметно доминируют над предложениями семантики действия (порядка 60 к 40). В художественных же текстах отмечается обратное соотношение. Подобный факт позволяет констатировать стательность научной речи как её релевантного показателя. Стательность может вполне послужить одной из основ анализа сущности категории научного стиля и варибельности средств его выражения в языке. Так, к примеру, используя концепцию грамматического поля, весь набор статических предложений можно

распределить по таким обобщённым значениям, как качественная характеристика классификации и иерархии, локализованное/нелокализованное наличие и др.

При последующем акте анализа устанавливаются варибельные средства выражения соответствующего обобщающего значения. Скажем, значение качественной характеристики не однородно, а распадается на ряд вариантов, семантических микроучастков, «микрополей» со своей ядерной моделью. Для категории научного стиля типичны такие микрополя качественной характеристики, как свойства, конструктивность предмета, назначения, количество, необходимость и возможность. Если обратиться к конструкциям микрополя свойства немецкого языка, то на первый план по частотности здесь выдвигается рефлексивная каузативная конструкция с *lassen*.

Для сущности категории научного стиля показательна и потенциальность. Эта черта регулярно обнаруживается в актуализации синтаксических средств, в семантике которых соотносятся признаки предложений статического и динамического классов. Действительно, в научных текстах говорится не об индивидуальном предмете, а о представителе предметов определённого множества. Соответственно описываемые процессы – это не конкретные (актуальные для данного момента события), а потенциальные обычные действия, характеризующие предмет качественно.

Вышеотмеченные признаки категории научного стиля дополняются каузативностью (логичность) и пассивность (насыщенность текста пассивными конструкциями).

Эти общие показатели стиля научной прозы обнаруживают сходство в разных языках, хотя здесь и возможна некоторая индивидуализация стилевых черт. К примеру, для стиля английской прозы особо характерны логичность, объективность, точность, стандартность и эмоциональность. Логичность достигается нормативным порядком слов в простом предложении, последовательностью распределения информации в паратаксисе, гипотаксисе и сравнительных конструкциях. Объективность же изложения передаётся пассивными конструкциями, безличными предложениями с местоимением *it*, а точность достигается однозначными языковыми средствами (терминами), сжатостью и пространностью текста. Соответственно речевые штампы и структурные клише сигнализируют и стандартности.

Всё это следует учитывать при кодировании, при смене кода на уровне речи, т.е. при отыскании соотносительности между элементами пары сопоставляемых языков – исходного и переводного – в передаваемом плане содержания. В случае отсутствия в переводном языке прямого соответствия тому или иному элементу текста на исходном языке разрабатываются системы контекстуальных замен, посредством всевозможных серий лексических и грамматических трансформаций в виде использования приёмов таких типов, как: 1) генерализация значения (*valve, flar, vent, cock, gate* из реальных текстов можно передать родовым термином «вентиль»), 2) конкретизация значения (*uniform quality* – «однородное качество», *uniform motion* – «равномерное движение»), 3) компенсация (*wet and dry bulb psychrometer* – «аспирационный психрометр»), 4) добавление (*randomizer* – «генератор случайных чисел»), 5) целостные переосмысление (*Fragile! Handle with care!* – «Осторожно, стекло! Не кантовать!») и т.д.

Для раскрытия специфики термосистемы подязыка важен учёт валентностных свойств терминов, типов их связей, лингвистического механизма создания терминов в результате появления новых понятий. Например, для терминотворчества французского подязыка авиации показательны устойчивые синтагматические связи в следующих типах: $N+A=$ *appareil aérien* («летательный аппарат»), $N+A+d=$ *appareil hydraulique du type Froude* («гидротормоз Фруда»), $N + \grave{a} + N =$ *appareil \grave{a} incendie* («противопожарное устройство»), $N + \grave{a} + V =$ *appareil \grave{a} gouverner* («рулевое устройство»), $N + de + N =$ *appareil de bord* («бортовой прибор»), $N + de +N + d =$ *appareil de pilotage automatique* («автопилот») и др.

Исследование валентности подобной терминосистемы позволяет выявить через призму лексико-семантических и грамматических категорий то общее, что связывает терминологию с общелитературным языком, и то отличное, что свойственно для неё как отдельной подсистемы.

СИНОНИМИЧНОСТЬ ВРЕМЕННЫХ ОБСТОЯТЕЛЬСТВ В СОВРЕМЕННОМ НЕМЕЦКОМ ЯЗЫКЕ

Б.Т.Турсунов (СамГИИЯ)

При выявлении синонимических отношений временных обстоятельств в современном немецком языке, учитывая их структурно-семантические свойства, необходимо подразделять на следующие группы:

1) временные обстоятельства, включающие временные существительные и указывающие на соотношенность главного действия с моментом времени, а именно:

а) существительные в родительном падеже: *des Morgens, des Tages, des Abends,*

б) существительные в винительном падеже: *den Sonntag, den ganzen Tag,*

в) сочетания временных существительных с предлогами: *ab, an, in, bei usw: ab September, in der Nacht, im Winter, vor der Nacht,*

г) придаточные предложения с данными существительными в качестве подлежащего : *Noch ehe es Nacht war.*

2) временные обстоятельства, указывающие на соотношенность главного действия с каким-либо другим действием. К ним относятся: а) предложные сочетания с различными предлогами и именами действия: *vor dem Essen, nach dem Abendbrot,* б) некоторые причастные обороты: *nach Hause zurück gekehrt usw;* в) придаточные предложения времени с соответствующими временными союзами: *als, als wenn, wenn, nachdem, bis, seitdem, bevor, während usw.*

Синонимичность временных обстоятельств первой группы между собой прослеживается, прежде всего, по двум доминантным семам: грамматической, то есть определенной соотношенности главного действия с моментом времени и лексической то есть называнию одного и того же времени. Анализ синонимичности временных обстоятельств первой группы мы начнем с установления синонимии двух падежных форм : родительного и винительного падежей. Объем временных значений винительного падежа шире объема значений родительного падежа, однако в определенных условиях они означают одно то же, то есть, становятся синонимами: Ср., например: *Sie gingen des Sonntags gemeinsam mit ihr aus (Heinrich Mann, S. 34). Sie singen den Sonntag gemeinsam mit ihr aus.*

Подобная синтаксическая синонимичность падежных форм первой группы устанавливается также при помпы предложных сочетаний, стоящих на более высокой структурной иерархической ступени по сравнению с падежными формами. При подобных предложных конструкциях происходят адвербиализации, а иногда и стирание лексического значения предлога, что роднит их с падежными формами. Ср., например: *Des Nachts-in der Nacht-über Nacht – bei Nacht, Eines Nachts- in einer Nacht. Eines Morgens-an einem Morgen, nächsten Tag-am nächsten Tag.*

Как показывают результаты анализов, что очень близкими синонимами оказываются предложные сочетания с временными существительными и придаточные предложения, у которых подлежащим является то же существительное: *Am Abend-als es Abend wurde. Am Morgen-als der Morgen kam.*

При сопоставлении временных обстоятельств второй группы, то есть временных предложных сочетаний с именами действия и придаточных предложной времени с однокоренным сказуемым возникает вопрос о семантическом родстве предлогов и союзов, а также глагола и однокоренного существительного.

Как предлоги, так и союзы выражают разнообразные отношения между связываемыми единицами, некоторые предлоги, как например, предлоги *nach, nachdem* выражают один и тот же тип временной зависимости, в этом и грамматическое сходство. В немецком языке временные союзы и предлоги часто имеют и лексическое сходство. Равнозвучающие слова могут быть и предлогом, и союзом, например, *bis, seit, während* и др.

Грамматическое и лексическое сходство предлогов и союзов позволяет говорить также о функциональном и семантическом родстве глагола и существительного. Их функциональное родство состоит в том, что как глагол так и существительное могут

употребляться в одной и той же синтаксической функции: *Er ging suchen-er ging auf die Suche*. Семантическое родство состоит в том, что однокоренные глагол и существительное обозначают один и тот же процесс.

При сравнении предложных группы и придаточных предложений обнаруживается, что эти единицы при определенном лексическом заполнении могут выражать равноценно не только отношения одновременности, но и передавать одно и то же содержание высказывания. В таком случае можно говорить о синонимии общего высказывания: *Bei seinem Eintritt - als er eintrat*.

Исход из вышеизложенного можно сделать вывод о том, что рассмотренные здесь обстоятельства с временными существительными: падежные формы, предложные и придаточные предложения могут служить убедительными примерами синтаксических синонимов. Их синонимичность основывается на тождественном доминантном грамматическом значении, очень близком или же идентичном содержании и на различии в структурном оформлении, что удовлетворяет требованиям, предъявляемым к синтаксическим синонимам.

ЛИТЕРАТУРА

1. *Обуховская И.И. Синонимика в области французских предлогов. Автореф. дисс. на соиск. учен. степ. канд. филол. наук. - Львов, 1968. - 16 с.*
2. *Сакарули. Ц.М. К вопросу о структуре синонимического ряда. Автореф. дисс. на соиск. учен. степ. канд. филол. наук. - Тбилиси, 1967. - 28 с.*

КОМПЬЮТЕР ЛИНГВИСТИКАСИ ВА УНИ ЎРГАНИШ МУАММОЛАРИ КАҚИДА

Б.Йўлдошев (СамДУ)

Жақонда интеграция ва глобаллашув жараёни кечаётган қозирги даврда Ўзбек тилининг халқаро миқёсдаги мавқеини ошириш қаётгий зарурият саналади. Бу масъулиятли ва Ўта муқим мақсадни амалга оширишда компьютер технологияларига, хусусан, компьютер лингвистикаси (КЛ)га таяниш муқим ақамият касб этади. Негаки, КЛ Ўзбек тилининг жақон миқёсига чиқишида, бу тилнинг кам дунёвий тиллардан бирига айланишига, уни Ўрганиш ва Ўргатиш ишларини оптималлаштиришга имконият яратади.

Тилшуносликнинг назарий ва амалий масалаларини ечишнинг компьютер дастурларини яратиш ва уларни амалда қўллаш КЛ фанининг асосий мақсадидир (1). Қозирги кунга келиб, у тилшуносликнинг бўлими сифатида матнга компьютер ёрдамида ишлов бериш билан боғлиқ жуда кўплаб вазифаларни бажаради. Унинг асосий вазифалари Қаторига Қуйидагиларни киритиш мумкин: а) тилларга Ўқитиш; б) билимларни текшириш ва бақолаш; в) матнларни турли жикатдан автоматик тақрир Қилиш; г) машина таржимаси учун мўлжалланган дастурларни ишлаб чиқиш; д) турли хил идеографик ва частотали луғатларни машина ёрдамида яратиш; е) матнларни статистик жикатдан тақлил Қилиш усулларини ишлаб чиқиш; ё) Ўзбекча матнларни Кирилл алифбосидан лотин алифбосига ёки аксинча, лотин алифбосидан Кирилл алифбосига Ўтказиш дастурини яратиш ва бошқалар.

Кўринадики, катта қажмдаги ахборотни Қайта ишлаш зарурияти Ўз навбатида КЛ соқасининг вужудга келишини таъминлаган. Шунга кўра юқорида саналган муаммоларни КЛнинг Ўзига хос йўналишлари, таркибий Қисмлари деб кам аташ мумкин.

Агар бу йўналишларнинг моқиятига чуқурроқ кириб борилса, уларнинг қар бири Ўзбек амалий тилшунослиги учун нақадар қаётгий, зарурий ақамият касб этиши Ўз-Ўзидан аён бўлади. Ўзбек тилининг компьютер услубини яратиш қаёттимизда инқилобий Ўзгаришларнинг юз беришига асос бўлади. Зеро, компьютер услуби айнан КЛ бўйича мутахассислар, компьютер дастурлари ва филологлар иттифоқида яратилади.

Бизга тарихдан яхши маълумки, турли силсилаларни бошидан кечирган инсоният учинчи минг йилликнинг бошида ахборот асрига Қадам Қўйди. Минглаб йиллар давомида

ривожланган инсон тафаккури учун бугунги кунда дастлабки манба, яъни ахборот олиш қаётий заруриятга айланади.

Тил ва бизнес чамбарчас боғлиқ соқалардир. КЛ тилшунослар учун қам маънавий, қам моддий бойлик манбаидир. Фақат уни барча тўғри тушуниши, объектив қабул қилиши, энг муқими, КЛни қар жикатдан Қўллаб-Қувватлаши лозим. Бу жикатдан 2003 йилдан бошлаб мамлакатимиз олий ўқув юр்தларининг филология факультетларига «Математик ва компьютер лингвистикаси» курсининг жорий этилиши, талабаларга бу соқада маърузалар ўқиладиганлиги, амалий машғулотлар ўтказиладиганлиги катта ёрдам беради. КЛ нафақат ўзбек тилини, балки бошқа тилларни, хусусан, рус ва инглиз тилларини ўрганишда қам асосий восита қисобланади. Шунингдек, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида илмий, бадий, бизнес ва реклама бўйича ихтисослашган таржимонлар тайёрлашни йўлга қўйишда, ўзбек тилида инглиз тилини ва инглиз тилида ўзбек тилини тўлиқ ўргатадиган ўқув қўлланмалари ва компьютер дастурларини яратишда қам КЛ ёрдамга келади, деб ўйлаймиз.

СамДЧТИда марқум проф.К.Арзиқулов рақбарлигида бир неча йиллар давомида инженерлик тилшунослиги маркази самарали фаолият кўрсатиб келди. Бу марказ Давлат тилидаги матнларга қайта ишлов берадиган компьютер дастурлари яратиш, ўзбек тилининг расмий, илмий, публицистик услубларига оид матнларни йиғиш, уларни муайян бир тизимга келтириш, уларга статистик жикатдан ишлов бериш, инглизча-ўзбекча машина таржимаси дастурини яратиш соқасида изчил илмий-тадқиқот ишлари олиб борди. Энг муқими, бу илмий жамоа UZLINGTON деб аталган ўзбекча матнларга қайта ишлов берувчи автоматик тизим яратишнинг биринчи босқичини никоясига етказган эди (2).

Умуман олганда, UZLINGTON деб номланган СамДЧТИда яратилган янги компьютер дастурини мамлакатимиз ахборот тизимига жорий этиш ўзбекистоннинг халқаро алоқаларини кучайтиради, қозирги глобаллашув даврида республикаimizдаги лисоний алоқаларнинг янада яхшиланишига катта ёрдам бермоқда.

АДАБИЁТЛАР

1. Сафаров Ш., Йўлдошев Б. *Компьютер лингвистикасини биласизми?* // «Моқият» газетаси, 2004 йил 14 август; Пўлатов А. *Глобаллашув даврида лингвистикага доир муаммолар* // *Тилшуносликнинг долзарб масалалари (илмий мақолалар тўплами)*, Тошкент: «Университет», 2004, 61-64-бетлар.
2. Арзиқулов К. *ўзбек лингвистик автомати* // «Мулоқот» журнали, 2002, 1-сон, 20-21-бетлар.

НУТҚ ВА УНИНГ ЭГОЦЕНТРИК ХАРАКТЕРИ ХУСУСИДА БАЪЗИ МУЛОҚАЗЛАР

Н. Турниёзов (Сам ДЧТИ)

Машқур тилшунос Фердинанд де Соссюр томонидан дастлаб илмий истеъмолга киритилган “нутқ лингвистикаси” тушунчаси қозирги тилшуносликда ўта долзарб ақамият касб этмоқда. Ф.де Соссюр нутқ лингвистикасининг тил лингвистикасидан талай фарқли жикатлари мавжудлигини ва шу боис уларни муштарак кодисалар деб тушунмаслик лозимлигини алоқида ўқтириб ўтган эди [1,57]. Лекин шундай бўлишига Қарамай, у умрнинг охиригача тил лингвистикаси муаммолари билан шуғулланди. Бунга турлича сабаблар бўлиши мумкин. Қар қолда, нутқ лингвистикаси Қонун-Қоидаларини тил лингвистикаси муаммоларини тўлиқ тадқиқ этмасдан туриб ўрганиш имконияти йўқлиги бунинг асосий сабабларидан бири бўлган деб, тахмин қилишимиз мумкин.

Мазкур тахмин қақиқатга яқинроқ бўлса керак, чунки қар Қандай илмий муаммонинг ўртага қўйилиши ва бу соқада тадқиқот ишлари бошланиши маълум бир тарихий давр билан бевосита боғлиқ бўлиши шубҳасиздир. Шу боис тилшунослик фани тараққиётининг қозирги даврида нутқ лингвистикаси масаласи жақон тилшуносларининг диққат марказидан

Ўрин олганлиги изоқ талаб Қилмайди. Бу, албатта, масала тавсифининг фақат бир жикатини ташкил этади. Унинг иккинчи томони кам мавжуд бўлиб, буни «тил ва нутқ» дихотомияси масаласи моқиятини қар ким қар хил тушунишида кўрамиз.

Баъзи тилшунослар тил билан нутқни ягона қодиса сифатида тушунадилар ва уларни фарқлаб ўрганишга эктиёж йўқлигини айтадилар. Масалан, Г.В.Колшанскийнинг илмий мулоказаларида буни бемалол кузатиш мумкин [2,56]. Шу сингари фикр Т.С.Шарадзенидзенинг тадқиқотларида кам кўзга ташланади. Унинг таъкидлашича, тил билан нутқни фарқлаб ўрганиш улар мутлақо мустақил бўлган икки объектни тақозо этгандагина ўзини оқлай олади [3,36].

Аммо фактик тил материалининг тақлили асосида олиб борилаётган кузатишлар юқоридаги фикр ва мулоказаларни асоссиз эканлигини кўрсатмоқда, зотан, тил билан нутқ бири иккинчисисиз яшай олмаса кам, улар ўртасида ўзига хос оппозиция мавжуддир. Бу қақда мулокази юришиб Ф.де Соссюр тил билан нутқ бир-бирини тақозо этувчи қодисалар бўлишига Қарамай, уларнинг бири ижтимоий, иккинчиси эса индивидуал белгили эканлигини алоқиди таъкидлаганида мутлақо қақли эди [4,24].

Юқоридагилардан ташқари, Ф.де Соссюр тилшунослик фани шуҳулланадиган масалалар ҳоят кенг Қамровли эканлигини ва у фан сифатида икки Қисмга бўлинишини эслатиб, мазкур Қисмларнинг бири тил деб, иккинчиси эса нутқ деб аталишини қар томонлама далиллаб берган эди [5,206].

Ф.де Соссюр томонидан илмий асосланган ана шу ҳоя тилшуносларимиз тадқиқотларида кўп йиллар давомида чуқур тақлил Қилиниши натижасида тил тараққиётининг қозирги даврига келиб нутқ лингвистикаси муаммолари эндигина кун тартибига Қўйила бошлади. Бошқача айтганда, нутқ лингвистикаси тилшуносликнинг алоқиди бир йўналиши сифатида қали тўлиқ асосланиб бўлганича йўқ. Шу боис унинг текширув объектларини белгилаш ва тақлил усулларини аниқлаш масалалари кам бугунги кунда жиддий тадқиқот ишларига мўқож.

Шу нарса характерлики, ягона тилшуносликнинг соқалари бўлмиш тил лингвистикаси кам, нутқ лингвистикаси кам аслини олганда бир нарсани- инсон нутқини ўрганади. Аммо уларнинг вазифалари турличадир: тил лингвистикаси нутқнинг белгилар мажмуасини, улар ўртасидаги систем муносабатларни тадқиқ этса, нутқ лингвистикаси тил белгиларининг синтагматик Қатордаги ўзаро муносабатини, уларнинг мулоқот жараёнида Қўлланиш имкониятларини текширади. Бир сўз билан айтганда, тил лингвистикаси семиотикага, нутқ лингвистикаси эса психологияга таянади [6,86]. Ана шу боис нутқ лингвистикаси ўзига хос жикатларига эга эканлиги масаласи талқини тилшуносларимиз олдиға янги муаммоларни Қўйиши шубқасиздир.

Маълумки, нутқ лингвистикаси бобида қозиргача мавжуд ишларнинг аксариятида тил бирликлари саналмиш фонема, морфема, сўз хусусида, уларнинг гапдаги вазифалари ва ўрни қақиди мулокази юритилиб келинди. Бизнингча, бу билан Қўшилиш жуда Қийин, зотан, уларнинг барчаси тил бирликларидир. Нутқ лингвистикасида эса биринчи галда жумла (гап) ва унинг нутқий фаоллашуви хусусида мулокази юритиш лозим, чунки нутқнинг асосий бирлиги жумладир.

Шуни кам айтиш керакки, “гап” ва “жумла” тушунчалари Қисман фарқланади. Чунки ундов, модал сўзлар билан ёки мустақил сўз билан ифодаланувчи камда вокатив Қурилмалар борки, улар исталган пайтда нутқда жумла вазифасида кела олади. Уларни бундай вазиятда гап Қолипига солиб бўлмайди. Гап эса нутқда, ўз навбатида, жумла вазифасини бажаради. Бу жикатдан гап билан жумла ўртасига жиддий тўсиқ кўя олмаймиз [6,53].

Қар Қандай нутқий жараёнда кам (монологик, диалогик) жумла асосий хом ашё сифатида фаоллик кўрсатади. Бироқ шундай жумлалар кам бўладики, улар ёлғиз сўз билан ифодланади. Фикр исботи учун Г.Я.Солганик Қўллаган Қуйидаги мисолни келтирайлик: **стол** (луғатдаги сўз) **стол!** (жумла) [7,72-73].

Берилган мисолларнинг биринчиси оддий сўзни тақозо этиши, иккинчиси эса жумла тарзида фаоллашаётгани биринчи галда уларнинг инсон омилига муносабати орқали изоқланиши мумкин. Бошқача айтганда. Биринчи сўз билан сўзловчи ўртасида айни пайтда кеч Қандай муносабат кузатилмайди, иккинчи сўз эса сўзловчи томонидан берилаётган урғу воситасида жумла мақомини олиб, қайратланиш маъносини ифода этмоқда. Бундай вазиятда

нутҚҚа кўчирилаётган тилнинг қар бир белгиси сўзловчининг субъектив муносабатига дуч келади ва бу орҚали модаллик белгиси билан йўқрилади: Вой! Ташаккур!

НутҚнинг субъективлиги белгиси фақат сўз шаклидаги тил бирликларида эмас, балки қар Қандай жумлада қам кузатилади. Чунки нутҚ ўз табиатига кўра субъектив маънолидир. Бу эса, ўз навбатида, нутҚнинг эгоцентрик характерли эканлигидан далолат беради [7,73]. БошҚача айтганда, нутҚ Қандай шаклда воқеланишидан Қатъи назар, қар доим “мен” (кишилик) олмошининг таъсирида бўлади: **1. – Мен Қўлимдан келганини Қиламан (“ШарҚ юлдузи”). 2. Сиз билан тенгдошман (“ШарҚ юлдузи”).**

Келтирилган мисолларнинг биринчисида “мен” олмоши реал ифода этилиб, иккинчи мисолда эса белгисиз келиб, нутҚҚа субъектив маъно бермоҚда ва уни эгоцентрик Қолипга солмоҚда. БироҚ жумла таркибида қар доим қам “мен” олмоши иштирок этавермайди. Аммо, шундай бўлишига Қарамай, жумланинг эгоцентрик характери сақланади: **1. Бугун осмон очиҚ. 2. Чигит экиладиган ерлар кенгайди.**

Айни пайтда берилаётган мисолларнинг барчаси гап Қолипидаги жумлалар бўлиб, уларда шахс кўрсатувчи олмошлар иштирок этмаяпти. Аммо бу билан жумлалар субъектив белгили эмас деб бўлмайди. Зотан, қар бир жумла нутҚда сўзловчи томонидан айтилар экан, унда эгоцентрик ифода албатта кузатилади: **(Мен) бугун осмон очиҚ эканлигини айтаянман.**

Шуни қам таъкидлаш керакки, нутҚий жараёнда иккинчи шахс қам бевосита Қатнашади. Чунки сўзловчининг нутҚи унга Қаратилган бўлади. Бундан ташҚари, кўп пайтларда жумлада ифодаланаётган иш-қаракатнинг ижрочиси иккинчи шахс эканлигини кузатамиз. БироҚ бундай вазиятда қам биринчи шахс томонидан жумла талаффуз этилаётгани учун нутҚ эгоцентрик белгисини тарк этмайди: **1. – Қалай, яхши бориб келдингларми? (М.Исмоилий). 2. – Оҳзингга Қараб гапир! (М.Исмоилий). 3. – Сиз одамлар хизматидасиз (А.Мухтор).**

Берилган мисолларда иш-қаракатининг ижрочиси иккинчи шахс бўлса-да, жумлалар орҚали ифодаланаётган нутҚий воқелик биринчи шахс орҚали рўёбга чиҚмоҚда. Бундай вазиятда қаракат ижрочиси билан нутҚ ижрочиси бир шахснинг ўзи бўлмайди [7,77]. БошҚача айтганда, қаракат ва нутҚ ижрочилари алоқиди шахсларни таҚозо этади. Айни пайтда қаракат ижрочилари (субъектив) биринчи жумлада **сизлар**, иккинчи жумлада **сен** учинчи жумлада **сиз** олмошлари бўлиб, нутҚ ижрочилари қар учала жумлада қам “мен” олмошидир.

НутҚ жараёнида воқеланган жумлада қаракат ижрочисини учинчи шахс бажарганда қам нутҚ ижрочиси биринчи шахс бўлади: **1. Ориф ака индамай бош эгиб Қолди (А.Мухтор). 2. Шундан кейин улар индамай юраверадилар (А.Мухтор).**

Кўринадики, бундай вазиятда қам нутҚ ижрочилари (қар икки жумлада қам) “мен” олмошидир. Зотан, у орҚали хабар берилмоҚда. Жумлада бажарилаётган иш-қаракати ижрочилари эса иккала мисолда қам “улар” олмошидир. БироҚ жумла субъекти билан нутҚ ижрочиси ягона шахсни таҚозо этмаса-да, айни пайтда нутҚ воқеланиши эгоцентрик Қолиплидир.

Юқорида билдирилган фикр ва мулоқазалар асосида шуни хулоса Қилиб айтиш мумкинки, нутҚнинг асосий бирлиги жумла қисобланади. Бунда, албатта, гапнинг қам нутҚда жумла вазифасида келиши эътиборда бўлмоҚи лозим.

Қар Қандай жумла қам нутҚда реал Қўлланар экан, у эгоцентрик характер қасб этади ва бир пайтнинг ўзида, Қай даражада эканлигидан Қатъи назар, субъектив модаллик белгиси билан йўқрилади.

БироҚ шуни айтиш лозимки, баъзилар гапни тил ва нутҚ бирлиги тарзида талҚин этишади. Бизнингча, гапни (нутҚда жумлани) тил бирлиги тарзида тавсифлаш ноўриндир. Чунки тил бирликлари жумласига фонема, морфема ва сўздан бошҚа унсурлар қирмайди. Гап эса нутҚ бирлигидир. “Гап” билан бир пайтнинг ўзида “жумла” терминининг Қўлланилиши ва унинг устувор ақамият қасб этишининг асосий сабаби нутҚда Қўлланидиган талай морфосинтактик унсурларнинг гап Қолипига тушмаслигидир.

АДАБИЁТЛАР

1. Соссюр Ф. де. Труды по языкознанию. – М., 1977.

2. Колшанский Г.В. Проблемы коммуникативной лингвистики // Вопросы языкознания, 1979, X.В.
3. Шарадзенидзе Т.С. Проблема взаимоотношения языка и речи. – Тбилиси, 1771.
4. Saussure F. de. Cours de linguistique generale. – Paris, 1972.
5. Соссюр Ф. де. Заметки по общей лингвистике. – М., 1990.
6. Савченко А.Н. Лингвистика речи // Вопросы языкознания, 1986, №3.
7. Солганик Г.Я. К проблеме типологии речи // Вопросы языкознания, 1981, № 1.

СЎФИ ОЛЛОКЁР АСАРЛАРИНИНГ ТИЛИ

И. СувонКулов, Х.Эралиев(СамДЧТИ)

Ўзбек халқи ўзининг узоқ асрлик бой адабиёти ва маданиятига эга. Бу адабиётнинг ўзига хос хусусияти, шакли ва мазмуни, ҳоя ва услуби мавжуддир. Истиқ-лолгача яратилган тадқиқотларда ўзбек диний адабиётининг йирик вакиллари Акмад Яссавий, Сулаймон Боқирҳоний, Сўфи Оллоқёр ва бошқаларнинг ижодида ўзига хослик ўрганилганда тил масаласида баъзан бирёқлама фикр юритиш, уларнинг шеъриятидаги тил бойлик-ларини шоир яшаган замондан ёки адабиётдан ажратиш қоллари мавжуд эди. Эндиликда улар ижоди кам мукамал ўрганилмоқда. Шулардан бири мутасаввуф шоир ва олим Сўфи Оллоқёр.

Сўфи Оллоқёр асарлари халқ тилига яқинлиги, соддалиги ва қозир кам кеч бир луҳатсиз тушунарлилиги билан ажралиб туради. Бадиий асар тилида шоир тўлиқ халқ шеvasига хос сўз ва иборалардан фойдаланиши, унинг мақоратини белгилайдиган бирламчи унсурдир. Шу билан бирга шоирнинг истеъдоди ва мақорати тилнинг бадиий имкониятларини юзага чиқара билиш кам қисобланади. Тилнинг бадиий имконияти унинг маърифийлигини, таъсирчанлигини кам очади. Масалан, Сўфи Оллоқёр шеъриятида озарбойжон тилига қамоқанглик ёки Хоразм шеvasига хос сўз камда иборалар берилган. Мисолларга мурожаат этайлик:

Жон чекиб, ҳусса ютуб, то жигаринг Қон ўлмаз,

Мақсадинг қосил ўлуб, мушқулинг осон ўлмаз.

Бошини доша уруб дона элакдин ўтмай.

Мушт емай ўт ичина солмасалар нон ўлмаз. (Л.А. 15-б)

Келтирилган парчада ҳазалнинг радифига айланган «ўлмаз» - ўзбек тилида «бўлмас» маъносини ифодалайди. Шунингдек, «доша» сўзи «тошга» мазмунини беради. Жўналиш келишигининг Қўшимчаси «га» нинг «г» си тушиб Қолиши кам Озарбойжон ва Хоразм шеvasига хос хусусиятдир. Бу парчадаги «доша» - «тошга», «ичина» - «ичига» шаклида ёзилиши ўзбек тили талаффузи ва ёзилишига хос Қонуниятдир. Бундай мисоллар Сўфи Оллоқёр шеъриятида тез-тез кўзга ташланади. Шоир услубидаги тил ифодалари унинг Фузулий шеърияти ёки Хоразм шеvasи билан яқиндан бўлганлигини кўрсатади.

Сўфи Оллоқёр шериятида Қўлланилган поэтик образлардан бири юздир. Юз сўзига баъзн маънодош тарзда «ораз», руқ рухсор, чеқра», «жамол» каби сўзлар кам Қўлланилади. Юз тасаввуф адабиётида ўзига хос талқинга эга. Юз дейилганда нур, имон нури, ирфон эшиқларининг очилиши, қақиқий жамол пардаларининг кўтарилиши тушунилган. Қуйидаги байтларга назар ташлайлик:

Юз Қамар, сўз мухтасар, хуршед пари дилдорсан,

Макка эъзозу Мадина файзи тавр анворсан. (Л.А, 14-б)

Ёки:

Қайратоким, сўлди андоҳ гул юзи тўлмай туриб,

Вооламқо, ботти кўз тўймай туриб андоҳ қилол. (Л.А. 17-б)

Сўфи Оллоқёр лирикасида анънавий поэтик образларни янгича маъно ва мазмун билан ифодалаш кам ўзига хос фазилат сифатида кўринади. Қуйидаги байтда кам инсоннинг ўзи билан боғлиқ поэтик тасвирлар келтирилган:

Эгри абру, холи қинду, зулфи қар сў мушқбу,

Кўзи жоду, киприги отКу балою рафторсан. (Л,А. 14-б)

Шоир ташбеқ воситасида Қошни эгри, холни кинду-Қора, зулфни қар томонга тарҚалган, кўзни сеқрли, киприкни отиладиган ўқдек найздор деб кисоблайди. Бу поэтик тасвирлар айна пайтда қаққиқий маънода Қўлланилган бўлиб, унда қаёттиг гузалнинг портретни яратади.

Сўфи Оллоқёр мухаммасларидан бирининг дастлабки бандини келтирамиз:

Не жафоларҗа мани гардун гирифтор айлади,
Бошима меқнат солиб, халқ олдида хор айлади,
Фикр ила итдек кўнгулими зангтор айлади,
Қайсиҗа сўндим иликим, дақр ани хор айлади,
Қайси осон ишни тутдим, они душвор айлади. (Л,А, 24-б)

Келтирилган парчалардаги тилнинг халқ тилига яқинлик ва тушунарлилик даражасини муқояса этамиз. Сўфи Оллоқёр Қаламига мансуб парчада кам «гардун», «гирифтор», «душвор» каби форсий сўзлар Қўлланилади. Аммо бу сўзлар ўқувчига тушунарли бўлиб, улар ўзбек тили бойлигига айланган, ўзбек тилидаги сўзлар билан тенгма-тенг аралаш қолатда Қўлланиб келинади.

Сўфи Оллоқёр Шарқ шеърлятидаги ранг-баранг лирик жанрларда фойдаланган қар бир шеърлий шакл учун ўзига хос вазн ўлчовларини топган, фикрнинг салмоқдорлиги, ўйноқлиги ва эркин ифодаланишини ўзи танлаган вазнлар орқали беришга эришган. Сўфи Оллоқёр лирикасининг тили, поэтик образлари ва Қўлланилган санъатлари, вазн ўлчовларини ўрганиш бизда Қуйидаги хулосаларни баён этишга имкон беради:

1. Халқчиллик Сўфи Оллоқёр лирикасининг асосий руқини ташкил этади. Унинг шеърлари халққа тушунарли тилда, тезда англаб етиши мумкин бўлган тасвирий восита камда поэтик образлар асосида, ҳоявий ниятга мос вазнда ёзилган.

2. Ақмад Яссавий ва Сулаймон Боқирҗоний шеърлятидаги мазмунни давом эттиришга қаракат Қилиш, улар яратган асарлардаги тил ва вазн хусусиятларини кам сақлашга олиб келган. Жумладан, Яссавийдан сўнгги даврларда яшаган ўзбек шоирлари асосан аруз вазнида ижод этишга анъанага айлантиришига Қарамай, Сўфи Оллоқёр бармоқ вазни имкониятларидан кам фойдаланишга қаракат Қилди.

3. Сўфи Оллоқёр ўзига хос бадий мақоратга эга бўлган бадий шоирдир. Унинг бадий мақорати, хусусан, поэтик образлар бадий санъатлардан фойдаланишида кўринида. Шоир яратган поэтик образлар диний ёки қаёттиг мақсадни ифодалашга хизмат Қилмасин, улар ўзининг фалсафий, кўп маънолик ва ўқувчига эстетик Қувват бериш хусусиятига эгадир.

НУТҚ МЕХАНИЗМИНИНГ УНСУРЛИ ТАЛҚИНИ

К.А. АрзиҚулов (СамДЧТИ)

«Инсон-инсон» мулоқот схемасида нутқнинг яратилиши ўз ичига бир қанча мураккаб ва руқий жараёнларни олиши қаққида ўзбек тилшунослигида кўп ва хўп гапирилган (ИрисҚулов 1992). Бу схемадаги нутқ фаолятини амалга оширувчи механизмнинг Қурилиши, унинг унсурлари қаққида кам Қимматли фикрлар баён Қилинган (Неъматов 1994). Аммо, «инсон-компьютер-инсон» коммуникатив схемасида нутқ қандай юзага келишини, бу схемада амал Қилувчи нутқ механизми қандай Қурилишга эга эканлигини ва бу механизм унсурларини ўрганиш соқасида ўзбек тилшунослигида энди биринчи қадамлар Қўйилмоқда (АрзиҚулов 2001).

«Инсон-компьютер-инсон» мулоқот схемаси Қуйидаги таркибий Қисмлардан иборат: информация берувчи одам-информация қабул Қилувчи кибернетик Қурилма-информация узатувчи кибернетик Қурилма-информация олувчи одам. Информация берувчи ва олувчи одам истифода Қиладиган нутқ механизми, унинг компонентлари ва улар асосида юзага

келадиган коммуникацион жараён масалалари назарий тилшуносликда кенг ёритилган (Соссюр 1977, 49-55 с.; Блумфильд 1960, 126-143 с.; Ельмслев 1960, 59-65 с.; Щерба 1974, 24-39 с.; Дейк 1989, 12-40 с.; Гийом 1992, с.; 135-149 ва бошҚалар). Информациа Қабул Қилувчи ва узатувчи Курилма (компьютер) фойдаланадиган «нутҚ» механизми ва уни ташкил Қиладиган компонентларни Ўрганиш борасида жақон тилшунослигида бир Қатор диҚҚатга молик ишлар эълон Қилинган (Виноград 1976; Мельников 1978; Пиотровский 1979; Шенк 1980; Teubert 1999; Oflazer 2000, etc.). Замоनावий тилшунослик билан камнафас Ўзбек тилшунослиги кам бу масалаларга Ўз ваҚтида диҚҚат-эйтиборини бирмунча Қаратган эди.(Якубова 1979; Мухамедов 1980; Ризаев 1980; Арзикулов 1985 ва бошҚалар).МустаҚилликнинг шарофати билан компьютер-инсон мулоҚот жараёнининг назарий ва амалий масалалари Ўзбек тилшуносларининг диҚҚатини Қайтадан торта бошлади (Арзикулов 1996; Чориев 2000; Бекчанова 2002 ва бошҚалар).

Биз ушбу маҚоламизда юҚорида зикр Қилинган масалаларга муайян аниҚликлар киритишга қаракат Қиламиз.

Маълумки, замоनावий тилшунослик инсон нутҚ фаолиятининг динамик хусусиятини очиш, тил бирликларининг нутҚ бирликларига Ўтиш йЎлини, тил қаётини матнда, сЎзлашув жараёнида кЎрсатиш масалаларига эйтиборини кундан-кун кЎпроҚ ҚаратмоҚда (Арзикулов 1999). Натижада назарий тилшунослик билан амалий тилшунослик бир-бирига ниқоятда яҚинлашиб, тил ва нутҚнинг Ўзаро муносабатларига ҚизиҚишни тобора кучайтириб юборди.

Фердинанд де Соссюр томонидан «langue-parole» шаклида ифодаланган бу дихотомия тилшуносликда турли ёндашишлар билан тадҚиҚ этилиб, турли хил номлар билан аталиб келмоҚда: формал моделлар ва уларнинг тЎлдирилиши (Э.Сэпир); пассив ва актив грамматика (О.Есперсен); код ва хабар (А. Мартине); нутҚ фаолияти мақсулининг мажмуаси ва конкрет матн (Г.Кердан); ядровий структуралар ва уларнинг трансформациялари (З.С.Харрис); комперенция ва перформация (Н.Хомский); туб келишик ва юзадаги келишик (Ч.Филлмор); тил ва дискурс (Г.Гийом); статик ва динамик синтаксис (Л.Теньер); ибтидоий ва экспрессив тил (С.К.Шаумян); тил-система ва тил сЎзлашув жараёни (Л.В.Щерба); тил системаси-узус-нутҚ (Л.Ельмслев); тил системаси-норма-нутҚ (Э.Косериу); тил системаси-норма-узус-ситуация-нутҚ (Р.Г.Пиотровский) ва қоказо.

НутҚ механизмининг классик ва инновацион талҚинларида лисоний бирликлар Ўзаро систем ва идиом муносабатлардан келиб чиҚиб талҚин Қилинган. Аммо, тил бирликларининг нутҚқа Ўтиш йЎли ёки умуман ёритилмаган, ёки ёритилсада, етарли даражада эмас. Натижада лисоний бирликлар тил системасидан тЎҳридан-тЎҳри нутҚқа (матнга) Ўтадим, ёки улар нутҚ механизмининг Қандайдир бЎҳинида «чиҳириҚ» дан Ўтиб, кейин конкрет нутҚда (матнда) намоён бЎладими деган саволлар қануз жавобини кутиб ётмоҚда.

Бу масала қозирги замон назарий ва амалий тилшунослиги учун муқим ақамият касб этади. Зеро, “Кадрлар тайёрлаш бЎйича миллий дастурида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақкамасининг 2001-2005 йилларида компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш қаҚида”ги 230-сонли Қарорида таъкидлаганидек, миллий информაციон технологиясини тиклаётган мустаҚил Ўзбекистон Республикасида Давлат тилидаги машина муқаррирларини, ахборот ахтариш тизимларини, матн зақираларини, Ўзбекча-инглизча ва аксинча машина таржимаси яратишга ижтимоий ёктиёж аллаҚачон туҳилган.

Инсон нутҚ фаолияти компонентларининг классик талҚинида тил системаси борлиҚдаги объектларни ва улар Ўртасидаги муносабатларни англатадиган лисоний рамзлар, уларнинг ифодаловчи ва ифодаланувчисини қосил Қиладиган атомлар (фонема, сема) мажмуаси сифатида талҚин Қилинади. Тил системасидаги лисоний рамзлар ифодаланувчилари кЎламани борлиҚдаги объектлар ва улар Ўртасидаги муносабатлар қаҚидаги умумлашган тушунчалар ва асосий белгилар ташкил Қилади. Тил системасининг қар бир ифодаловчиси битта умумлаштирувчи тушунчани ифодалайди, яъни битта ифодаланувчига эга бЎлади. Тил системасидаги лисоний рамз ифодаланувчисининг диапозони шу лисоний рамз Қамрайдиган семантик майдоннинг кЎламига боҳлиҚ бЎлиб, муайян тушунча майдонига алоҚадор барча маъно нозикларини кам Қамраб олади. Лисоний рамзнинг ифодаловчиси кам, ифодаланувчиси кам тил системасида латент қолатда, яъни қаракатланмаган қолатда бЎлади. БошҚача Қилиб айтганда, тил системасида лисоний рамз

ифодаловчиси ва ифодаланувчисининг потенциал валентликлари қали «ниш урмаган», аммо «Ўсиб чиқишга» доим тайёр туради (Пиотровский 1979, с. 22-26).

Агар биз тил системасини «хазойинул маоний», яъни лисоний рамзлар хазинаси тарзида англасак, у қолда лисоний рамзларни бу хазинадан конкрет нутққа (матнга) сараланиб олиншига ва сараланганларининг конкрет нутқда (матнда) фаоллашиши билан боғлиқ бўлган семантик ва формал элементлар мажмуасини аниқланишига имкон берадиган инсон нутқ фаолиятининг қандайдир бир босқичи борлигини мантиқан қабул қилган бўламиз. Инсон нутқ фаолиятидаги ана шу компонентни биз нутқ системаси деб атаймиз. Нутқ системаси лингвистик белгининг илк актуаллашган формаси ва маъносини, микро ва макросинтаксик Курилманинг шаблонини (моделини эмас) ўз ичига олади. Лисоний рамзларнинг нутқ системаси доирасида актуаллашган шакл ва маънолари изоқли луҳатларда қайд этилади (Арзикулов 1994).

Инсон нутқ механизмининг учинчи компоненти-конкрет нутқ (матн). Сўзловчининг ва тингловчининг грамматикасига биноан ва нутқ системасида илк бор актуаллашган тил системаси бирликлар парадикматик ва синтагматик хусусиятлари асосида муайян коммуникатив эктиёж учун лисоний рамзларни танлаш (Holliday 1970) натижасининг конкрет кўринишини нутқ (матн) деб атаймиз. Нутқ (матн) лисоний рамзлар ранг-баранг шакллари ва маъноларининг, микро ва макросинтаксик бирликлари (сўз бирикмалари, гап, гапдан катта синтаксик бутунликлар) шаблонларининг конкрет воқеаланиши сифатида намоён бўлади.

Лисоний бирликлар тил системасидагидан фарқли ўлароқ нутқ системасида ва конкрет нутқда (матнда) ўзига хос «каёт» кечиради ва ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Бинобарин, уларни бошқа-бошқа номлари билан аташ ва қар бир ном онгимизда қандай тушунчани гавдалантириши лозимлиги қақида келишиб олиш мақсадга мувофиқ.

Тил системаси бирликларининг тавсифида ва уларнинг шажаравий таснифида қуйидаги бирликлар қайд қилинади: фонема- морфема – лексема – фразема – синтаксема – суперсинтаксема (Гак 2000). Турли сўз ва морфемалар фонетик қиёфани фарқлашга имкон берувчи ва муайян дифференциал белгиларни ўзида мужассамлаштирувчи тил системасининг энг кичик бирлиги фонема деб аталади (Ахманова 1969, с. 494). Тил системасининг бир ёки ундан ортиқ фонемадан иборат энг кичик маъно англатувчи бирлиги морфема саналади (Гак 2000, с. 20). Тил системасининг структурал бирлиги сифатида сўз лексема қисобланади (Ахманова 1969, с. 214). Тил системасининг икки ёки ундан ортиқ лексемадан таркиб топган ва битта умумий тушунчани ифодалаган идиоматик бирлиги фразема дейилади (Арзикулов 1994). Икки ёки ундан ортиқ лексемадан (фраземадан) таркиб топган ва тугалланган ёки тугалланмаган фикрни ифодалашга хизмат қиладиган тил бирлиги синтаксема (А.М.Мухин назариясидаги синтаксема эмас) сифатида талқин қилинади (Арзикулов 1998). Муайян мазмун фреймини қамрайдиган икки ёки ундан ортиқ синтаксемалар мажмуаси суперсинтаксема сифатида талқин қилинади (Дейк 1989, с. 16-18).

САБАБ-НАТИЖА МУНОСОБАТЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТИПОЛОГИСИ ХУСУСИДА

С.И.Исмоилов(СамДЧТИ)

Одамларнинг бир-бирлари билан гаплашиши, гап шакллари орқали фикрларини билдириши қар сафар маълум шароитларда ва қолатларда содир бўлади. Айтилаётган қар бир фикрнинг асл маъносини инсон фаолиятининг энг кичик бирлиги бўлган нутқ алоқаси вазияти ёки мулоқат вазиятига суянган қолда аниқлаб олиш ва изоқлаб бериш мумкин бўлади. Қар қандай диалог ва айни пайтда диалог учун зарур бўлган гапнинг мувофиқлаштирувчи қар қандай аппарати қам фақат нутқ алоқаси вазиятида намоён бўлади. Нутқ алоқаси вазияти билан гапнинг пайдо бўлиши, шаклланиши ва қўлланишининг барча даврлари қам боғланган. Шунинг учун бўлса керак, нутқ алоқаси вазияти мавзусига лингвист олимларнинг кўплари қўл урганлар¹. Нутқ вазиятининг энг тўла баёни, фикримизча, Д.Вундерлих қаламига мансуб бўлиб, у нутқ вазиятининг 9та таркибий қисмини ажратиб кўрсатади: гапирувчи, сўқбатдош, нутқ вақти, нутқ ўрни, гапирувчининг берилган гап билан

боғлиқ пресуппозицияси, гапирувчининг истаги, берилган гапнинг фонетик ва синтактик хусусиятлари, гапнинг мазмун томони, гапирувчи билан сукбатдош ўртасидаги ўзаро муносабатлар².

Мазкур мақолада эътиборимизни нутқ вазиятининг бир таркибий қисмига, яъни сабаб-натижа алоқаларини шакллантиришда гапирувчининг роли ва у томондан амалга ошириладиган тасаввурга асосланган операцияларга қаратмоқчимиз. Маълумки, сабаб-натижа муносабатлари нутқ қаракатларининг ўзаро тобелигини тақоза этади, бунда объектив сабаб натижанинг шаклланиши манбасига айланади. Масалан, Je suis sorti гапи орқали гапирувчи қаракатининг натижаси ифодаланган бўлиши мумкин, агар нутқ мулоқоти вазиятида гапирувчининг ташқарига чиқиб кетишига мажбур қилган вазият ёки қолат берилган бўлса: Je suis sorti parce que je ne supporte pas la famee. Акс қолда, Je suis sorti гапи сабаб-натижа муносабатлари доирасида нутқ мулоқоти талабига жавоб бермаган бўлади, чунки нутқ вазиятининг ўзгариши билан бошқа мақсадга хизмат қилиши мумкин: Je suis sorti pour ne pas le déranger – воқеа манбаси вазият эмас, гапирувчининг мақсади;

Хоизрги француз тилида сабаб-натижа муносабатлари бир қатор боғловчилар mais, alors, parce que, puisque, comme, car, étant donné, si bien que, de sorte que, donc, pour que, de façon à ва феъл майллари орқали ифодаланган. Биз кузатишимиз объектини икки томонлама чегаралашга қарор қилдик. Биринчидан, фақат parce que боғловчиси ёрдамида хосил бўлган гаплар танлаб олинди ва иккинчидан, сабаб-натижа муносабатларининг фақат ўтган замонда содир бўлган шаклларигина ўрганилди.

Сабаб-натижа муносабатларида гапирувчи воқеаларни ва вазиятларни бир-бири билан боғлаш учун 4 турдаги комбиничияни амалга ошириши мумкин. Барча комбиничияларда сабаб натижадан кейин келади, аммо воқеанинг содир бўлишига сабаб бўлган вазиятнинг мавжудлик даври аксарият қолларда воқеанинг мавжудлик даврига мос келмайди. Тақлиллариимиз кўрсатишича, parce que сўзлаши жариёнида бошқа воситаларга қараганда камроқ қўлланади. Кўп қолларда сабаб-натижа муносабатини ўрнатиш учун parce que сўзини ишлатмасдан икки воқеани боғлашнинг ўзи етарли бўлиб қолади:

- Hier, je ne suis pas venu, j'étais malade.
- Pourquoi est-ce que tu ne m'as pas téléphoné?
- J'ai oublié.

I. Passé composé - Imparfait

Натижа Бўлиб ўтган воқеа	Сабаб Бўлиб ўтган воқеа
Je suis sorti	Parce que Je ne supportais pas la fumée
Il est mort	Parce que Il buvait trop
Je lui ai téléphoné	Parce que J'étais inquiet

Бу мисолларда сабаб / давом этган, такрорланган вазият / Imparfait да ифодаланаяпти ва натижа / аниқ, қисқа, такрорланмаган воқеа / Passé composé да ифодаланаяпти. Тасаввурда тикланган сабаб тенг қолатда тасаввурда бир вазиятни, бир қолатни тиклаяпти, аммо бу вазият, бу қолатинг мавжудлик даври кўпроқ чегараланган (ce jour-là, à ce moment-là) ва сўзлашиш пайтигача етиб келмаган.

II. Passé composé - Présent

Натижа Бўлиб ўтган воқеа	Сабаб Козирги мавжуд вазият
Je suis sorti	Parce que Je n'aime pas les disputes
Mon frère m'a écrit	Parce qu'il cherche du travail
J'ai pardonné à Jean	Parce que C'est mon ami

Бу мисолларда воқеанинг содир бўлишига сабаб бўлган вазият узоқ вақтдан буён мавжуд бўлган ва сўзлашиш пайтида қам гапирувчининг тасаввурида мавжудликни давом эттиряпти: “акам” иш излашни давом эттиряпти, “мен” диспутларни яхши кўрмаслигимни давом эттиряпман.

III. Passé composé - Passé composé

Натижа Бўлиб ўтган воҚеа		Ссабаб Бўлиб ўтган воҚеа
Je n'ai pas pu venir	Parce que	J'ai eu un accident
Je suis allé le voir	Parce qu'	Il me l'a demandé
Je suis rentré à pied	Parce que	Tu ne m'as pas attendu

Бу мисолларда сабаб ва натижа бир замон passé composé да ифодаланган, чунки бир-бири билан воҚеа ва вазият эмас, бўлиб ўтган икки аниқ воҚеа алоҚага киришяпти. Гапирувчи тасаввурда тикланган воҚеа бир марта содир бўлган ва тугаган. Бу турдаги гапларда феъллардан бири инкор шаклда бўлиши жуда кўп учрайди tu ne m'as pas attendu. Je n'ai pas pu venir. Феъл passé composé да инкор шаклда Қўлланганда, тасаввурда “йўқ воҚеа”, яъни ваҚтнинг бир даври, воҚеасиз вазият тикланади. Бундай қолда тасаввурда тикланган воҚеа кўпинча бир вазиятга мос келади.

IV. Imparfait - Imparfait

Натижа Вазият		Сабаб Вазият
Il me téléphonait souvent	Parce que	J'étais malade
Je lisais beaucoup	Parce que	J'étais en vacances
Je n'étais pas là	Parce que	Je travaillais

Иккала феълнинг ҳам imparfait да келиши мисолларимизда жуда кам учрайди. Умуман бу икки феълдан бири кўпинча такрорни ифодалайди: Je lisais beaucoup, il me téléphonait souvent.

Демак, гапирувчи parce que билан тузилган гаплар ёрдамида асосан бирон-бир воҚеани келтириб чиҚаришга асос бўлган вазият ёки қолатни суқбатдоши учун аниқлаштиришга, унга тушинтириб беришга интилади. Вазият ёки қолатни ойдинлаштариш эса мазкур вазиятнинг мавжудлик ваҚти тўғрисидаги гапирувчининг тасаввурлари орҚали амалга ошади. Қар бир нутқ вазиятига гапирувчи суқбатдошининг эътиборини мазкур вазият мавжудлигининг маълум Қирраларига Қаратишга қаракат Қилади: воҚеани келтириб чиҚарган вазиятнинг давом этганлиги, такрорланиб турганлиги, сўзлашаётган пайтда мавжуд эмаслиги (1), аксинча унинг сўзлашиш пайтида ҳам давом этаётганлиги (2), бир пайтнинг ўзида бир воҚеанинг содир бўлмай Қолиши иккинчисининг содир бўлишига асос бўлиши (3), такрорланган бир вазиятнинг такрорланиб турган иккинчи вазиятнинг юзага келганига сабаб бўлгани (4). Гапирувчи томонидан амалга оширилган мазкур операциялар феъл замонларини танлаб ишлатишга асосланган бўлиб, гапирувчи фикрининг нозик томонларини ифодалаш ва айни пайтда суқбатдошнинг ҳам эътиборини тортиш учун хизмат Қилади. “фикр юритиш тасаввурнинг борлиғини таъкидлаб, уни бақолаб ... уни сезиш демакдир”. Ш.Балли фикрича гапирувчи субъектнинг фикрлаш операциялари “гапнинг жонидир”.

АДАБИЁТЛАР

1. Wunderlich D. *Pragmatique, situation d'énonciation et deixis*. - *Langages*, 1972. № 26.
2. Ш. Балли. *Общая лингвистика и вопросы французского языка*(Перевод с французского языка). - М., 1955. - С.43-44.

ГРАММАТИК СИНОНИМИЯ ВА МАТН

С.Саидов (БухДУ)
Кўринадики тутуқ белгисига нисбатан эски араб алфавитида айн ва камзанинг ишлатилиш доираси анча кенг бўлган. Араб алифбосида катто сўз бошида, одат, одил, оқибат, олий, олим каби сўзларда о унлисидан олдин, адолат, аваз, адоват, ажаб, асал каби сўзларда а унлиси ўрнида ибрат, иллат, ишрат, ибора, илова, иборат каби сўзларда и унлиси ўрнида узр, урф, умр, умум каби сўзларда у ўрнида айн ишлатилган. Шунингдек, оила, оид каби сўзларнинг бошида айн сўз ўртасида и унлисининг ўрнида эса, камза ёзилган. Бундан ташқари, сўз ўртасида маориф, маош, саноат, кифоят каби сўзларда а ва о камда о ва а унлилари орасида; маишат, Наима, доира, Қоида, Ноила каби сўзларда а ва о камда и унлилари орасида кам айн Қўлланиларди.

Тўғри, юқорида келтирилган барча мисоллар талаффузида Қисқа тўхталиш сезилса-да, бу ўринларда тутуқ белгисини ишлатишга эктиёж сезилмайди. Му'аллим эмас муаллим, ма'ориф эмас маориф, о'дил эмас одил, му'омала эмас муомала бўлса кам, аммо бу ўринларда қақиқатан кам Қисқа тутилиш, айириш, тўхталиш борлигини қисобга олишимиз албатта зарур.

Катта тўхталиш бўлган жойлардагина апостроф Қўйиладиган бўлди. Араб графикасидан, лотин графикасига ўтган вақтдаги биринчи муаммоли масала шу бўлган бўлса, ёзув рус графикаси асосидаги алфавитга кўчирилгандан кейин апостроф ва айириш, юмшатиш белгиларининг ишлатилиш ўринларини белгилаш диққатга сазовор бўлган, иккинчи муаммоли масалалардан бири бўлиб Қолди. 1940 йилдаги кирилл алифбосига тутуқ белгиси билан бирга айириш, юмшатиш белгиси кам киритилган эди. 1950 йилларга келиб, тутуқ белгисининг вазифаси кутилгандан кам ортиқ даражада кенгайиб кетган: сўз ўртасида унли ва ундош орасида камда сўз охирида айн ва камза ўрнида тутуқ белгисининг ишлатилиши билан бирга ёлашган унлиларни ўзларидан олдинги ундошлардан ажратиш учун кам тутуқ белгиси Қўлланганлиги кўринади. Масалага тўғри ёндашадиган бўлсак, аслида, имлода тутуқ белгисининг уч хил вазифаси бор: Маъно айириш (ман'-ман, сур'ат-сурат, та'на-тана), сўзнинг тўғри талаффуз этилишини таъминлаш (ан'ана, мас'ул) ва бўғин айириш (дар'ё, дун'ё каби). Айириш белгисига аслида маъно айириш вазифаси юкланган эмас. Маъно айириш вазифаси юмшатиш белгисига юкланган (судья-судья, угол-уголь каби). Руслар охири ёлашган унлилар билан тугаган сўзларни: Сирдарья, Амударья каби юмшатиш белгиси билан, ўша пайтдаги бизнинг имломиз бўйича: дар'ё, дун'ё, гирь'я, қад'я каби сўзлар тутуқ белгиси билан ёзилган, чунки юмшатиш белгиси ўзбек тили характерида хос эмас. Қақиқатан кам бу сўзлар талаффузида ёлашган унли қар доим битта тўхталиб, тутилиб айтилади. Шунингдек, одамлар тутуқ белгиси ва айириш белгиси бошқа-бошқа нарса эканлигини, қар иккала белги кам ўз табиати ва характерида эга эканлигини Қабул Қилолмайди. Баъзан айириш белгиси Қўйилиши сезилиб турган сўзларда тутуқ белгисини ишлатганлар. Апострофнинг табиатига Қисқа тутилиш хос бўлса, айириш белгиси катта тўхталишни ифодалаш билан бир-биридан

кескин фарқланган. Халқ мана шу фарқни теран англаб етмагани учун ўша пайтдаги имло Қоидалари проектининг 31- ва 32- параграфларида айириш белгисининг ишлатилиш доирасини кенгайтириш лозим топилган ва тутуқ белгиси ўрнида кам айириш белгисини Қўллаш тавсия этилгандир. Бу бугунги ёзувимизга кам таъсир Қилган ўша вақтдаги катта тарихий хатодир.

Янги имломиз бўйича тутуқ белгиси кичик қарф баландлигида Қўйилади. Олд ва орқа томонидан қарфлар бир-бирига боғланмайди, бир қарф катталигида очиқ Қолдирилади.

ЎзССР Олий Кенгаши ўзининг 1940 йил 8 майдаги сессиясида «Ўзбек ёзувини лотинлаштирилган алфавитдан рус графикаси асосидаги янги ўзбек алфавитига кўчириш қақида Қонун» Қабул Қилди. Бу алфавитни ака-ука Кирилл ва Мефодийлар славян алифбоси асосида кашф Қилган. Шу сабаб кам бу ёзувни кашфиётчилар номи билан атаб кириллица деб юритамиз. Янги ўзбек алифбоси Қуйидагича эди: А, Б, В, Г, Д, Е, Ё, Ж, З, И, Й, К, Л, М, Н, О, П, Р, С, Т, У, Ф, Х, Ц, Ч, Ш, Ъ, Ь, Э, Ю, Я, Ў, Қ, Ў, Қ, апостроф (‘). Апострофнинг вазифаси жуда муқим бўлгани учун алифбо таркибига киритилган эди. Кейинчалик апостроф олиб ташланди. Апострофнинг вазифаси кам айириш белгисига юклатилди.

1993 йил 2 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси «Лотин ёзувига асосланган Ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида» ги Қонунни Қабул Қилди. Бунда янги алифбо 31 қарф ва тутуқ белгиси (апостроф)дан иборат этиб белгиланди. Бу алифбо бўйича кириллча «ш» қарфини «ш», «ч» харфини «с» тарзида ёзиш керак эди. Бизга яхши маълумки, бундай қарфлар компьютернинг жақон стандартларига мос келмас эди. Шу сабаб компьютерда бор бўлган белгилар (ўтиш ва апостроф) киритилди. Бу белгилар орқали О‘, Г‘ қарфларини ифодалашда, шунингдек ь, ь белгилари маъно фарқи s, h қарфини ажратиш каби қолатларда фойдаланадиган бўлди. Бу қақда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1995 йил 6 майда «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида» ги Қонунга ўзгартишлар киритиш қақида Қарор Қабул Қилди. Қарорга асосан лотин алифбосига асосланган янги ўзбек алифбоси 26 қарф 3 қарф бирикмаси ва 1 апострофдан иборат деб ўзгартирилди.

ТИЛ СИСТЕМАСИНING НУТҚДА ҚЎЛЛАНИШИ ВА ПОЪОНАЛИ МУНОСАБАТ

Х.Хайруллаев (СамДЧТИ)

Тил системаси ўта мураккаб бўлиб, унинг таркибида фақат белгилар эмас, балки бошқа унсурлар кам яшайди. Бундай унсурлардан бири ва энг муқими фонемадир. Характерли томони шундаки, фонема гарчи белги саналмаса-да, у қар қандай белгининг кам белги бўлиши учун энг муқим мавқега эгадир. Бошқача айтганда, фонема бўлмас экан, белги кам бўлмайди. Демак, фонема нутқ товушларига асосланган тил учун ўта муқим восита қисобланади.

Юқорида айтилган фикр ва мулоқазаларга асосланиб, фонема тил белгисининг ифодаловчи томонини ташкил этувчи асосий омил эканлигини Қатъий равишда таъкидлаш мумкин. Фикр далили учун **олма** сўзига эътибор Қаратайлик. Мазкур сўз тил белгиси сифатида, шубкаси, ифодаловчи камда ифодаланувчи томонларига эгадир. Материал нуқтаи назаридан эса, бу белги тўрт фонеманинг ўзаро муносабатга киришувидан ташкил топмоқда: О+Л+М+А. Бошқача айтганда, айна пайтда тақлил этилаётган белгини сегментлаш жараёнида унинг ўзидан кичик (минимал) унсурлардан ташкил топаётганини кузатамиз. Бироқ тақлилни давом эттириш лозим бўлса, фонемалар ўртасида мавжуд бўлган фарқли белгилар хусусида кам мулоқазаси юритиш мумкин: О – тил орқа Қатор, Қуйи кенг, лабланган; Л – сонор, тил олди, ён товуш, портловчи-сирғалувчи ва к.к. Бироқ биринчи бўлинишда (белгининг сегментланишида) фонемалар алоқидида сегментларни ташкил этаётган бўлса, иккинчи бўлинишда сегментлар хусусида сўз юритиб бўлмайди. Айна пайтда **фонематик** бўлиниш эмас, балки фонемаларнинг ўзаро фарқланувчи белгиларига асосланган **меризматик** бўлиниш содир бўлмоқда. Бундай вазиятда Э.Бенвенист таъбири билан айтганда, бўлиниш икки сатқ Қолипида, яъни фонематик ва меризматик сатқлар Қолипида воқеланади [1, 130-131].

ЮҚорида эслатиб ўтилган қар икки сатқ кам тилнинг фонетик системаси билан узвий боғлиқ бўлса кам, уларнинг бири иккинчисидан ички хусусиятларига кўра кескин фарқ Қилади. Буни Қуйидагиларда кўрамиз: 1. Фонематик бўлинишда сегментлашган фонемалар тил белгисининг материал томонини ташкил этиб, унинг белги мақомини олиши учун хизмат Қилади. Меризматик бўлинишда ўзаро фарқланаётган фонемалар эса том маънода бундай сифатга эга эмас. Аниқроғи, мазкур масала уларга юклатилмайди. 2. Фонематик бўлинишни тақозо этувчи сатқ тилнинг поғоналилик Қонунияти билан узвий боғлиқдир. Меризматик сатқ орқали эса поғоналиликни таъминловчи юқори босқичга чиқиб бўлмайди. Чунки фонемаларнинг ўзаро фарқланишига асосланган муносабат фонетик сатқ доираси ичида содир бўлади.

Фонематик сатқ унсурлари хусусида сўз юритилганда шуни алоқиди таъкидлаш лозимки, қар Қандай фонема кам ўз функционал салмоғини ўзидан катта бирлик сатқиди реал Қўлланилгандагина олади. Бундай бирлик морфема ёхуд сўз бўлиши мумкин. Мазкур бирликларнинг қар иккиси кам тил белгилари саналади. Бу эса, ўз навбатида, поғоналиликни ташкил этади. Бошқача айтганда, фонематик сатқ унсурлари билан морфологик сатқ унсурлари ўртасида поғонали муносабат вужудга келади.

Тил сатқларининг қар бири ўзича алоқиди системани ташкил этади. Буни тилнинг фонетик, морфологик, синтактик сатқлари мисолида кузатиш мумкин. Лекин уларнинг барчаси умумий тил системасига тобедир. Шунинг учун тил системасини макросистема деб, унинг шаҳобчаларини эса микросистемалар деб номлаш мақсадга мувофиқдир. Аммо шуни кам айтиш лозимки, тил системаси макросистема тарзидаги мақомини қар доим ўзгаришсиз сақлайди. Чунки ундан катта система йўқ. Тилнинг сатқлари Қолипиди микросистемалар эса функционал салмоқларига кўра макросистема вазифасини кам, микросистема вазифасини кам ўташи мумкин. Масалан, фонематик сатқни олайлик. Уни тилдаги жамики товушлар мажмуасини тақозо этишига кўра макросистема тарзида тасаввур этадиган бўлсак, у қолди унлилар, ундошлар мажмуаларининг қар бири фонетик макросистеманинг микросистемалари қисобланади. Аммо мазкур системалар кам, ўз навбатида, яна тил олди, тил орти унлиларига ёки жарангли, жарангсиз фонемаларга бўлиниб, уларга нисбатан макросистема мақомига эга бўлади [2, 30-33].


ЮҚорида Қайд этилган вазиятни тилнинг қар бир сатқиди кузатиш мумкин. Фикр исботи учун морфем сатқга мурожаат этадиган бўлсак, бу ўринда кам макро- ва микросистемалар мавжудлигини кузатамиз: тилдаги морфемалар мажмуаси макро-, ўзак ва аффикс морфемалар эса микросистемаларни тақозо этади.

Бироқ эслатиб ўтилган муайян бир сатқ ичидаги бўлиниш бизнинг диққатимиз марказида бўлган поғоналиликни ташкил эта олмайди, зотан, том маънодаги поғонали муносабат маълум бир сатқдаги тил бирликларининг ўзлари тегишли бўлган сатқдан каттароқ сатқ доирасида унинг зарурий компоненти бўлиб Қўлланилгандагина содир бўлади. Шу боис меризматик ва фонематик сатқлар ўртасидаги ёки сўз билан унинг туркумлари ўртасидаги муносабатларни поғонали деб бўлмайди. Бунда системани ташкил этувчи унсурлар парадигмаларини кўрамиз, холос.

Тилнинг энг кичик бирлиги системасини тақозо этувчи фонематик сатқ билан морфологик сатқ унсурлари ўртасида поғонали муносабат шаклланади. Масалан, фонемаларнинг морфема ёхуд сўз сатқиди Қўлланиши жараёнида бундай муносабатни бемалол кузата оламиз. Бироқ, шуни кам эътиборга олиш керакки, поғонали муносабат доирасида тил бирликлари алоқаси турлича бўлиши мумкин. Қуйида ана шу қақда мулоқазани юритамиз.

Тил сатқлари бирликларининг поғонали муносабати қали нутққа кўчирилмаган система доирасида кам кузатилади. Фонема, морфема, сўз қабилар тил бирликлари сифатида поғоналилик оғушида эканлиги изоқ талаб этмайди. Бу, албатта, тил бирликларининг поғонали муносабати парадигматик Қаторда туғилаётганидан далолат беради. Лекин тил бирликлари синтагматик Қаторда ўзаро муносабатга киришади ва бунинг натижасида поғоналилик кескин тус олади. Чунки синтагматик Қатор тил бирликларининг нутқда конкрет Қўлланиши қамда функционал Қиммат қасб этиши учун макон қисобланади: **Қалам, китоб** ва қ.к.

Айни пайтда берилаётган қар икки сўзда қам бештадан фонема ўзаро муносабатга киришмоқда ва шу билан бирга мазкур фонемалар ўзларидан катта бирлик - сўз билан поёнали алоқа ташкил этмоқда. Шунини алоқиди Қайд этиш зарурки, бу ўринда фонемаларнинг поёнали муносабати имкониятлари фақат синтагматик қаторда ўнг томонга силжиш орқали воқеланмоқда, улар учун чап томонда бундай имконият йўқ. Сўзнинг поёнали муносабати эса айни пайтда, аксинча чап томонда рўй бераётган имконият билан боғланмоқда. Бироқ сўз учун ўнг томонда воқеланиши мумкин бўлган имконият ўрни қам мавжуд бўлиб, у айни пайтда бўш қолмоқда. Бошқача айтганда, берилган сўзлар **китобхон**, **қаламдон** тарзида келганда ёки улар бирор гап сатқиди Қўлланганда поёналиликни ташкил этувчи чап ва ўнг томонларда бўлган имкониятларнинг барчаси тўлиқ воқеланган бўларди. Буни Қуйидаги чизма орқали изоқлаш мумкин:



Қўринадики, сўз доирасиди фонема билан морфема (ёхуд сўз), морфема билан сўз ўртасиди воқеланадиган поёнали муносабатлар кузатилади. Сўз гап доирасиди Қўлланганда эса нисбатан катта поёнали муносабат - сўз билан гап ўртасиди иерархик алоқа вужудга келади.

Профессор Ю.Степанов поёналилик тилнинг фонема, морфема, сўз, сўз бирикмаси ва гап сатқларида воқеланишини таъкидлайди ва мазкур қодиса шу номлар билан аталувчи тил бириклари мавжудлиги билан бевосита боғлиқ эканлигини айтади [3, 218]. Бу фикр билан тўлиқ Қўшилиш мумкин, албатта. Лекин Ю.Степановнинг тубандаги фикри, бизнингча, изоқталабдир : «Нутқ товушлари фонемалар сифатиди (аллофонлар) морфларни, морфлар эса сўзларни ташкил этади. Бироқ фонема морфема таркибига кириб морфемаларни, морфемалар сўз таркибига кириб сўзларни ташкил этади деб бўлмайди» [3, 219].

Ю.Степанов фонема, морфема ва сўзлар нутққа кўчирилмагунча абстракт тушунчаларни ифода этишини, нутқда эса аллофонлар, алломорфлар ва конкрет сўзлар Қўлланишини назарда тутган қолди юқориди хулосага келади. Бизнингча, бундай мулоқазди бир мунча ҳализликлар келиб чиқишига сабаб бўлади. Чунки нутқда Қўлланаётган барча товушларни аллофонлар билан, морфемаларни эса алломорфлар билан тенглаштириб бўлмайди. Акс қолди, фонема, морфема тушунчаларини фақат тил системаси доирасиди, аллофон, алломорф тушунчаларини эса нутқ (гап) доирасиди Қўллашга тўғри келарди. Албатта, бунинг иложи йўқ. Шунинг учун тил бирикларининг сатқлараро поёнали муносабати фонема- морфема – сўз – сўз бирикмаси – гап доирасиди содир бўлар экан, нутқ материални тақлилиди қам шу тушунчалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Умуман олганда, тилнинг сўзлараро воқеланувчи поёнали муносабати, хусусан, унинг қандай сатқлараро рўй бериши масаласи бобида тилшунослар фикрлари муштарак эмас. Бу хусусди Ф.М.Березин ва В.Н.Головинларнинг «Умумий тилшунослик» асариди янади бошқачароқ маълумотларга дуч келамиз. Улар тил сатқларини «автоном механизмлар» деб атайдилар ва уларни Қуйидагиларга бўлиб ўрганишни тавсия этадилар: 1. Фонемалар автоном механизми. 2. Морфемалар автоном механизми. 3. Сўзлар автоном механизми. 4. Сўз ясалиши автоном механизми. 5. Морфологик категориялар автоном механизми. 6. Синтактик категориялар автоном механизми[4, 147].

Бизнингча, мазкур мулоқазди билан Қўшилиш Қийин, зотан, сўз ясалиши, морфологик ва синтактик категорияларни алоқиди сатқлар тарзида изоқлаш масала тавсифини янади чигаллаштиради. Ўйлаймизки, мазкур автоном механизмларнинг барчасини тилшуносликди

қозиргача амал Қилиниб келинаётган фонема – морфема – сўз – сўз бирикмаси – гап тушунчалари билан бевосита боғлиқ бўлган сатрлар Қолипида Ўрганиш мумкин.

Лекин, юқоридагилар билан бир Қаторда, шуни қам алоқида таъкидлаш лозимки, сатрлараро поғонали муносабат тил системаси унсурларининг нутққа кўчирилиши билан бевосита боғлиқдир. Шундай бўлгач, поғонали муносабатни ифодаловчи сатрларни тил ва нутқ нуқтаи назаридан Қуйидаги тарзда белгилаш лозим кўринади: фонема – морфема – сўз – сўз бирикмаси – гап – матн.

Бунда олдинги уч сатр тил билан, кейинги икки сатр эса нутқ билан боғлиқдир.

Кўринадики, мазкур тасниф амалдаги бўлинишдан таркибида матн тушунчаси борлиги билан фарқ Қилади. Бизнингча, айни пайтда матн тушунчаси муқим ақамият касб этади. Чунки у тил унсурларининг нутқда Қўлланиши учун асосий объектдир.

АДАБИЁТЛАР

1. Бенвенист Э. *Общая лингвистика*. - М., 1974.
2. Турниёзов Н. *Матн лингвистикаси*. - Самарқанд, 2004.
3. Степанов Ю.С. *Основы общего языкознания*. - М., 1975.

ТИЛ ВА НУТҚ СИСТЕМАСИДА ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ ЛЕКСИК-ГРАММАТИК ТУРЛАРИ

Ф. Бадалов, Ж.Ёқубов(ЎзДЖТУ)

Маълумки, тил системаси турли хил белгилардан иборат. Агар ушбу белгиларга реал оламдаги объектив борлиқ кирса, унда тил системасини ушбу оламни ташкил Қилувчи лисоний бирликлар ва улар орасидаги синтактик муносабатлар ташкил Қилади. Демак, тил системаси маълум семантик майдонни қосил Қилса, нутҚ системаси эса реал нутҚ доирасида Ўз ифодасини топган лисоний бирликлар мажмуи тушунилади.

Тил ва нутҚ системасини орасидаги узвий боғлиқликни тушунтиришда профессор Қамдам ОрзуҚуловнинг Қуйидаги Қимматли фикрлари катта ақамият касб этади: «Агар биз тил системасини лисоний бирликларнинг умумлашган қолдаги йиғиндисини деб Қабул Қилсак, у қолда лисоний бирликларни бу бирликлардан реал нутҚҚа (матнга) сараланиб олинишига имкон берадиган ва сараланган лисоний бирликларга реал нутҚда (матнда) фаоллашиши мумкин бўлган нутҚ фаолияти механизмининг яна бир звеносини, яъни нутҚ системасини деб атаймиз»(ОрзуҚулов 2001, № 2, 23).

Таъкидлаш лозимки, тил ва нутҚ системаси жараёнида сўзларнинг маънолари, уларни турли контекст ва қолатларда семантик ва стилистик Қулайликлардан фойдаланиш имкониятини беради. Ана шу Қулайликлар тилдаги луғат бойлигини ортиришда иштирок этадиган мураккаб лексик фразеологик бирликлар(ФБ) базасини ташкил этади.

Мазкур бирликларни Ўрганиш нутҚ маданиятини оширишга ёрдам беради, тилнинг миллий хусусиятини ташкил этувчи ФБ Ўзида халқнинг бой тарихий маданияти, кишиларнинг маиший, маданий қаддини мужассамлаштиради. Демак, фразеологизмлар халқнинг дунёҚарашини, жамият Қурилишини ва диний Қарашларни тасвирлайди. Фразеологизмлар метафора йўли билан маъноларнинг Ўзлаштирилишини, эркин сўз бирикмалари билан қосил Қилиниб, турфун бирикма маъносини берувчи сўз бирикмалари билан характерланади. Фразеология тарихи ва унинг Қўлланила бошланган пайти жуда узоқ-узоқларга бориб таҚалади. А. Бушуйнинг таърифича фразеологик иборалар Аристотель даврида қам мавжуд бўлиб, ушбу бирликларнинг биринчи тадқиқотчиси қам Аристотелнинг Ўзидир. У маҚол, матал, қикматли сўзлар апофтегма (барҚарор иборалар) ва паремиялар(муаллифи номаълум халқ қикматлари) қаҚида илк мулоқазалар билдиради.¹ Демак, ушбу бирликлар тарихи жуда узоқ бўлиб, қозирги кун тилшунослигида қам катта ақамият касб этади.

Фразеология соқасини энг ривожланаётган ва кенг Ўрганилаётган соқалардан бири қисобланади. Чунки мазкур бирликларнинг бирор-бир тил тизимида мавжуд бўлиши Ўша тилнинг бойлиги ва маънодорлиги саналади. Шу Ўринда фразеология соқасини айниҚса нутҚда жуда катта Ўрин тутати. Фразеологик бирликлар тарихидан маълумки, ушбу бирликлар энг аввало нутҚда пайдо бўлиб, кейинчалик кўп Қўлланилиши натижасида тилнинг лексик фондига айланиб Қолади. Шу сабабли ушбу бирликлар кўплаб дунё тилларида, турли тилшунослар томонидан хилма-хил нуҚтаи назардан ЎрганилмоҚда. Шу Ўринда биз фразеологик бирликларнинг катта бир гуруқини қисобланмиш Ўз таркибида қайвонлар номлари ва қайвонларга тегишли қусусият, шу билан бир Қаторда қайвонлар таъна аъзоларини компонент Қилиб олган анималистик фразеологик бирликлар(АФБ)ни француз ва Ўзбек тиллари миҚёсида тил ва нутҚда лексик ва грамматик жиқатдан Ўрганиш масалаларига тўхталиб ЎтмоҚчимиз.

Фразеологизмлар ва АФБнинг Ўзига хос хусусиятларидан бири уларнинг маълум лексик-грамматик гуруқларни ташкил этишидир. Бу қаҚда тилшунос А.И. Молотков шундай фикр баён Қилади: «Фразеологизмларнинг лексик-грамматик характеристикасини, фразеологизмлар асосини лексик маъно ва грамматик категориялар ташкил этади».²

Маълумки тилшунослар фразеологик бирликларни турли хил гуруҳларга ажратишга қаракат қилишади.³ Худди шу тадқиқотлардан келиб чиққан қолда қуйида биз АФБни лексик ва грамматик жиқатдан турли семантик гуруҳларга бўлиб, изоқлаб ўтишга қаракат қиламиз:

1. Предмет маъносини ифодаловчи фразеологик бирликлар; Ўзбек тилида: *аммамнинг бузоғи; анқонинг уруғи*. Француз тилида: *Sang de poisson; queue de poisson*.

2. Иш қаракат маъносини ифодаловчи фразеологик бирликлар; Ўзбек тилида: *маймун ўйнатмоқ; бахт қушини учуриб юбормоқ; булбулни қарқуноққа алиштирмоқ; ит-мушук бўлиб яшамоқ*. Француз тилида: *poser un ours; se faire un sang de canard; donner(vender)un canard à moitié*.

3. Иш қаракат қолатини ифодаловчи фразеологик бирликлар: *ёт товуқдек; илоннинг оғзидан тушгандек*. Француз тилида: *avoir la gueule fendue comme une grenouille; faire souscoup; la puce à l'oreille; miroir à grues*.

4. Белги қусусиятни ифодаловчи фразеологик бирликлар; Ўзбек тилида: *мулла минган эшакдек ювош; мушугини пишт демайди*. Француз тилида: *manger comme un tigre; coeur de tigre; langue de serpent*.

5. Миқдорни ифодаловчи фразеологик бирликлар; Ўзбек тилида: *кеч зоғ йўқ; итдан чориғлиқ*. Француз тилида: *manger le poulet; grande dinde*.

Фразеологик бирликларнинг лексик маънолари асосий тўртта кенг тарқалган грамматик тузилмалар гуруҳларга ажратилади.

1. Отли бирикмалар; Ўзбек тилида: *бозор кўрган эчки; илон изи; ит феъл; айёр тулки*. Француз тилида: *brebis galeuse; camp de la loup; tête de boeuf*.

2. Феълли бирикмалар; Ўзбек тилида: *думини калтак қилиб югимоқ; битини боқмоқ*. Француз тилида: *sacquer un boeuf; prendre la mouche*.

3. Солиштирма иборалар; Ўзбек тилида: *сўга тушган мушукдек; ошга тушган пашиадек*. Француз тилида: *bête comme un âne; chanter comme l'oiseau*.

4. Содда гаплардан иборат бирликлар; Ўзбек тилида: *битимга оламанми; думини тутқазмайди; илон нўст ташлайди*. Француз тилида: *oiseau sur la branche; c'est un cheval à l'écurie*.

Мисоллардан кўринадики, анималистик фразеологик бирликлар ўзининг семантик хусусияти билан оддий сўз бирикмаларидан албатта фарқ қилади. Берилган мисолларда биз фақат салбий хислатли фразеологик бирликларни кўриб турибмиз, аммо фразеологик бирликлар бутунлай гап мазмунини ўзида акс эттириб, инсоннинг ички салбий хислатларини очиб бериб қолмасдан, балки ижобий хислатларини ҳам очиб беради.

Шундай қилиб, АФБ тил системасини ташкил этса, ушбу бирликларнинг нутқдаги фаолияти нутқ системасини қосил қилувчи турли лисоний бирликлар ёрдамида ифодаланганлигини мисоллар тақлилида кўришга муваффақ бўлдик.

АДАБИЁТЛАР

1. Камдам Арзиқулов. *Тил системаси, нутқ системаси, нутқ*. – Тил ва адабиёт таълими. Тошкент, 2001, № 2. 23 бет.
2. Бушуй А. *Терминологическая проблематика в области паремиологии. (в свете истории паремиологии). Строй языка и методы иностранному общению. Вып 2. Самарканд. 1998. С.10-21.*
3. *Фразеологический словарь русского языка. Под редакцией А. И. Молоткова. Москва, «Русский язык», 1986., С.8.*
4. Назарян А.Г. *Фразеология современного французского языка. Москва, «Высшая школа» 1976., С.70*

НЕКОТОРЫЕ ПРОБЛЕМЫ ИЗУЧЕНИЯ ИНОСТРАННОГО ЯЗЫКА В НАЦИОНАЛЬНЫХ ГРУППАХ

Г.М. Ахмедова (СамГАСИ).

Работа и обзор литературы за последнее время показывают, что в объёме языкознания в плане сопоставительной лингвистики достигнуты, определенные результаты. В методике

преподавания иностранных языков появилось новое направление, которое нашло своё выражение в интенсификации учебного процесса и оптимизации методов обучения, что в свою очередь, наложило отпечаток на современную теорию сопоставительного языкознания. В связи с этим по-новому разрабатываются теоретические положения частных методик преподавания иностранных языков в национальной аудитории.

В последние годы с достаточной полнотой были раскрыты и обоснованы теоретические вопросы контактирования родственных и разно системных языков, взаимодействия и взаимовлияния этих языков, благодаря чему, были выявлены факты благоприятного воздействия на развитие и становление языков, возможность осознанного переноса знаний, навыков и умений из ранее усвоенных языков. Большое место было отведено роли родного языка, опора на который и отталкивание от него в процессе обучения не вызывает сомнения. А так же нашел отражение вопрос выявления языка – доминанта, который является важным аспектом при проведении сопоставительного анализа взаимодействующих языков в учебном процессе.

Но вызывает сожаление тот факт, что работ на сопоставительной основе, написанных представителями национальных ученых пока ещё мало. Вот почему, преподаватели иностранных языков национальных групп все ещё занимаются по учебникам и учебно-методическим пособиям, предназначенным для русских групп, которые составлены без учета специфики преподавания иностранных языков в национальных группах.

Нам кажется, что нужно учитывать то, что контингент слушателей в аудиториях отличается контрастным уровнем знаний. Нужно обратить внимание на средние школы и лицеи. И это зависит от типа учебных заведений и состава учащихся. Первый тип школ – это городские школы и академические лицеи, где углубленно изучаются иностранные языки и школы промышленных районов, где преподавание иностранных языков ведется на базе русского языка. Учащиеся таких школ практически свободно владеют как родным, так и русским языком.

Работа в национальной аудитории убеждает в том, что опора на родной язык не является единственным средством достижения поставленных целей в процессе обучения иностранному языку в национальной школе.

Чтобы раскрыть причины или предупредить возникновение тех или иных ошибок, допускаемых учащимися в изучаемом ими иностранном языке необходимы тщательный типологический анализ ошибок, сопоставительный анализ системных явлений изучаемого иностранного языка отдельно с родным и русским языками на соответствующих лингвистических уровнях. Вот почему преподаватель иностранного языка национальной аудитории должен иметь хорошую практическую подготовку по всем трем языкам, с тем чтобы своевременно понять и предотвратить нежелательную интерференцию в процессе овладения тем или иным языковым материалом, так как эта интерференция основанна, как правило, на сходствах и различиях родного и русского языка с изучаемым иностранным. Только когда преподаватель определит, какой язык оказывает интерферирующее влияние, он сможет правильно построить учебный процесс и добиться желаемых результатов. Вот несколько примеров подтверждающих данное положение.

В узбекском языке, как и во многих тюркских языках, нет категории рода, исходя из этого категория рода может передаваться разными способами и просто дать перевод русского слова.

Обучающие с трудом усваивают значения предлогов, это вызвано тем, что узбекский язык является языком агглютинативным, т.е. в нём отсутствует система предлогов, а так же приобретёнными навыками употребления предлогов русского языка. (Mein Freund ist im Zimmer).

Развитие двуязычия обогащает лингвистический опыт и расширяет кругозор учащихся, помогает сознательно воспринимать и усваивать особенности изучаемого иностранного языка.

Расширение взаимосвязей языков помогает глубже вникать в строй родного, русского и иностранного языков и способствует лучшему практическому усвоению иностранного языка.

ЎЗИРГИ ЗАМОН ЎЗБЕК ТИЛИ ЛУЎАТЧИЛИГИ ҚАҚИДА АЙРИМ МУЛОҚАЗАЛАР

Н.Умбаров (ЎзДЖТУ)

Маълумки, тил ва тафаккур бошҚа-бошҚа фанлар томонидан Ўрганилади; тил-тилшунослик фанининг предмети бўлса тафаккурни психология (руқшунослик) фани Ўрганади. Шунинг учун қам тил тилшунослик категорияси бўлиб тафаккур-психология категорияси қисобланади; Инсоният алоҚасининг энг муқим воситаси сифатида тилдан ва объектив қаҚиҚатни акс эттиришнинг энг мураккаб шакли сифатида тафаккурдан одамларнинг бир-бири билан алоҚасида қаҚиҚий жараён сифатида нутҚ фаолияти мавжуд бўлади. Тил-тарихан жамиятда ривожланувчи ходиса. Тилни яратувчиси ва жамиятда тарҚатувчиси-халҚдир. НутҚ бўлса-шахсий психологик ходиса, нутҚ тараҚҚиёти бу ёшнинг каттариб бориш хусусияти билан боғлиқ; нутҚни яратувчиси ва тарҚатувчиси айрим шахс қисобланади.

Объектив қаҚиҚат тилда эмас, балки инсон онгида акс этади. Инсон онгида бундай акс этишнинг асосий шакллари сифатида тушунча ва фикрлаш мавжуд бўлади: тушунча сЎзда ва сЎз бирикмалари мужассамлашади, фикрлаш эса гапта Ўз ифодаси (аксини) топади; сЎзлар фаҚат номлаш вазифасига эга; ана шу номлаш ва ифодалаш орҚали инсон фикр юргизади ва гапиради;

Инсон қамма ваҚт сЎзлар ёрдамида фикр юргизади; Фикрлаш фаҚат тил заминида мумкин бўлади; шунинг учун қам тил коммуникатив функцияни бажаради.

Мана шу юҚорида айтилганлар хорижий тилни эгаллаш ва билиб олишда тасдиҚланади. Инсон онгида бу ёки у тушунчани қосил Қилиш учун сЎз зарурдир. СЎз Ўзининг аниҚ маъноси билан характерланади. СЎзнинг аниҚ маъноси икки йЎл билан: ички қис билан сезиб ва онгли равишда Ўзлаштирилади.

Энг Қадимги ва анъанавий восита сЎзни таржима Қилиш, яъни мос келадиган хорижий сЎз билан алмаштиришдир. Шу Ўринда рус руқшунос олими Б.В.Беляевнинг «Хорижий тил луЎатини Ўзлаштиришнинг психологик асослари (Психологические основы усвоения лексики иностранного языка)» Москва, 1964 й. 67 бет нашр Қилинган монографиясида айтилган фикрни келтиришимиз зарур; «Агар хорижий сЎз Ўз она тили луЎатида олтига сЎз билан тушунтириб берилган бўлса, бу сЎз шу олтига маънодан бошҚа маънони ифодаламайди деган сЎз эмас, албатта; қаҚиҚатда эса айрим контекстларда еттинчи қатто саккизинчи сЎз маънолари сифатида қам таржима Қилиб берилиши мумкин» дейди. (эркин тушунтириш-муаллифники).

ЮҚорида келтирилган фикрдан кЎриниб турибди-ки, луЎатчилик хорижий тилни эгаллашда асосий воситалардан қисобланса қам, тилни мукамал эгаллашда етарли эмас экан. Шунга Қарамай, луЎатчилик тараҚҚий этиб бораверар экан, янгидан-янги луЎатлар барпо этилаверар экан; таржима луЎатларининг пайдо бўлишида ташҚари изохли луЎатларнинг юзага келиши замон ва Ўқувчилар талабидир.

Қозирги пайтгача Ўзбек Ўқувчилар француз тилини эгаллашни рус тили орҚали амалга оширганликлари учун сЎзларнинг асл маъноларини билиб олишдан бир Қанча Қийинчиликларга дуч келишади. Бундан хулоса Қилиб, қаҚиҚий французча-Ўзбекча катта луЎатни барпо этиш зарурийлигини айтиш мумкин ва яратиш ваҚти қам келди деб Ўйлайман;

Шундай катта луЎат Франция элчихонаси билан қамкорликда яратилапти.

Масалан, француз тилидаги La voie lactee иборасидаги lactee сЎзи таржимасини Қарайдиган бўлсак, сут, сутли деб таржима Қилинган, иборани «сутли йЎл» ёки «сут йЎли» деб таржима Қилсак бу қато бўлиши мумкин, чунки сомон маъноси lactee сЎзида берилмайди. Шунинг учун иборани (сЎз бирикмасини) биргаликда «Сомон йЎли» деб таржимасини луЎатда акс эттирсак, Ўқувчи бир марта кЎришнинг Ўзидаёқ «Сомон йЎли» тушунчасини онгида бир умрга акс эттириб Қолади.

ОБРАЗЛИ ЎХШАТИШЛАР ШАКЛЛАНИШИДА ПРЕСУППОЗИЦИЯЛАР ТИПОЛОГИЯСИ

С.И. Исмоилов (СамДЧТИ)

Турғун ва спонтан образли ўхшатишларни бир биридан фарқлаш муоммаси кўп вақтлардан бери давом этиб келаётган муоммалардандир. Илмий адабиётларда бу тўғрида ҳар хил фикрлар баён этилган. Ушбу маърузада асосий эътиборни биз турғун ва спонтан ўхшатишлар ёрдамида шаклланадиган у ёки бу образнинг семантик асосини аниқлашга, таҳлил этишга қаратмоқчимиз. Зеро образ бу - инсонни ўраб турган объектив оламнинг қандайдир предмети, ходисаси ва воқеаси тўғрисидаги бадиий шаклда ифодаланган кўрғазмали тасаввурдир. Бундай образли тасаввурлар образли тушунчалардан ёки объектив борлиқдаги нарсаларни фотографик акс эттиришдан фарқ қилади. Образли тасаввурларнинг ифодаланиш характери ҳам расом, архитектор, ҳайкалтораш, ёзувчи, мусиқачи ва шу кабиларнинг ҳар бирида бошқачадир. Лекин уларнинг ҳаммаси учун умумий бўлган нарса - объектив оламдаги кишилар, предметлар ва ходисалар тўғрисида, уларнинг ҳаракатлари ва белгилари тўғрисида умумий тасаввурларнинг, умумий билимлар фондининг ёки пресуппозициянинг тилда гаплашаётган барча кишилар онгида мавжуд бўлишидир.

Демак, оразли ўхшатишларни ўрганишда тилшунос олдида турган вазифа, энг авало, қайси воситалар билан бу образ ўхшатиш структурасида ифодаланишини ва, энг муҳими, ўхшатишдаги образли маънонинг моҳиятини, унинг шаклланиш қонунларини аниқлаш каби вазифалардан иборат бўлмоғи лозим.

Турғун ёки эркин бўлишдан қатъий назар, образли ўхшатишларда бир предмет (шахс, ҳодиса) бошқаси билан маълум ҳаракат ва белгининг умумийлиги асосида қиёсланади. Мана шу «бошқаси»ни қиёлаш ядроси сифатида танлаб олиш суҳбатдошлар учун умумий бўлган пресуппозицияга асосланади. Ўхшатиш асосида ётган пресуппозицияларнинг турларига қараб, образли ўхшатишларнинг иккита катта гуруҳини бир-биридан фарқлашимиз мумкин: 1) ҳаракат ёки белгининг қиёсланаётган предметлар учун хослиги/нохослиги тўғрисидаги тасаввурга асосланган ўхшатишлар; 2) ҳаракатни бажариш усуллари ёки белги интенсивлиги тўғрисидаги тасаввурга асосланган ўхшатишлар. Образни шакллантирувчи механизм ўхшатишларнинг ҳар бирида ҳар хилдир. Бу механизмни кенг тил материаллари асосида ўрганиш нафақат образли ўхшатишларнинг шаклланиши учун зарур бўлган денотатив ситуацияларни, балки уларнинг коннотатив «сир»ларини рўёбга чиқиши учун зарур бўлган коммуникатив-прагматик ситуацияларни ҳам олдиндан айтаолиш имконини берган бўларди.

ПРАГМАТИК ЛИНГВИСТИКАНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАЛАРИ

С.Сайдалиев, Ф.Тоҳтаев (СамДЧТИ)

Тилшунослик инсониятнинг алоқа воситаси бўлмиш тилнинг пайдо бўлиши, Курилиши, яшаши, ривожланиши қамда вазифалари ва бошқа масалалар билан шуҳулланадиган фан эканлигига барчага маълум. Инсониятга берилган ушбу неъмат турли фанлар нуқтайи назаридан Ўрганиб, тадқиқ қилиб келинмоқда ва бу жараён келажакда қам давом этиб кетаверади.

Алоқа воситаси тил – маъно аниқлашчи ишоралар тизимидир, ишора эса кишилар онгидаги тушунча билан товуш тасаввурининг бирлигидан иборат. Бу Қарашга кўра тил қатъий қонуниятларга амал қилувчи тизимдан ташкил топади. (Ф.де.Соссюр). Ушбу илмий Қараш тарафдорлари тилни тизим деб қисоблаганлари холда, улар бу тизимни алоқиди, унинг фойдаланувчиларисиз тадқиқ қилдилар. Тизимнинг ишоралари – сўз бойлиги, грамматикаси контекстсиз таҳлил ва тадқиқ қилинди, унинг муомала жараёнида Қўлланилиши эътибордан четда Қолдирилди.

Жамият тараққиёти қамда тилшунослик борасида олиб борилган янги тадқиқотлар лингвистиканинг прагматик тилшунослик деб номаланувчи йўналишининг вужудга келишига олиб келди. «Прагма» атамаси грек тилидан олинган бўлиб, фаолият тушунчасини ифодалайди.

Маълумки, инсон яшаши учун фаолият кўрсатиши керак. Фаолиятнинг кўплаб турлари мавжуд. Тилдан амалда фойдаланиш ҳам фаолият ҳисобланади. Фаолиятнинг бу тури нутқнинг тинглаб тушуниш, гапириш ўқиш ва ёзишда ўз ифодасини топади. Бундай фаолиятни нутқ фаолияти деб аташ қабул қилинган. Нутқ фаолияти билан шуғулланиш прагматик тилшуносликнинг марказий вазифаси ҳисобланади.

Файласуф ва жамиятшуносларнинг тилшунослик масалаларига бўлган муносабатлари тил муаммоларини аниқроқ ва объективроқ тадқиқ қилиш ва тушунишга асос бўлди. Шундай бўлсада прагматика ва тилшуносликнинг бошқа соҳалари ўртасидаги чегарани аниқ белгилаш бир қадар мураккаб ҳисобланади. Масалан, тил ишораларининг маъно жиқатини биринчи навбатда, семантика тадқиқ қилса, маънонинг муомала жараёнидаги муаммолари прагматикага тегишли ҳисобланади. Шунинг учун ҳам айрим тилшунослар семантика ва прагматикани бир-биридан ажратиш ва бир вақтнинг ўзида уларнинг боғлиқлигини ифодалаш маъносида амалий семантика деб ҳам атайдилар.

Тилнинг ижтимоий ва маданий соҳалардаги ўрни ва вазифасини ўрганадиган фан соҳасини социолингвистика ёки ижтимоий тилшунослик деб юритилади. Тил ишораларининг фақат фонологик ёки синтактик структурасини тақлил қилиш тилшуносликнинг бу соҳаси учун унчалик аҳамиятли эмас. Прагматика нуқтаи назаридан тил ишораларининг ва улар англатган маъноларининг социолингвистик ва психолингвистик жиқатлари катта аҳамият касб этади. Тилшуносликнинг бу соҳаси фақат грамматика Қурилмасининг Қурилиш материали, компоненти бўлганидек, лингвистиканинг аниқ чегарага эга бўлган соҳаси ҳам эмас. У тилдан фойдаланувчиларнинг турли тарихий ананалар ва тилшуносликнинг янги соҳаларини ҳисобга олувчи синтаксис жумла семантикаси, сўз семантикаси, сўз яшаш лексикология стилистика, матн тилшунослиги, оғзаки нутқ тадқиқотлари, тилнинг турли ташкилотларидаги функциялари, тилнинг жамиятдаги роли, психолингвистика, социолингвистика, тил тарихи ва бошқалар.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, прагматик тилшунослик, биринчи навбатда тилдан амалда фойдаланиш масалаларини тадқиқ қилади. Тил материалларининг жамоат, маданий ва турли ташкилотлар томонидан фойдаланиш жараёнида вужудга келадиган муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари ва усуллари тадқиқ қилади.

Прагматика тушунчаси конкрет қолат, шарт-шароитга монанд иш кўриш, мослашиш, амал қилиш тушунчаларини ҳам қамраб олади. Шунинг учун ҳам «прагматик» атамаси «амалий» деган маънода ҳам қўлланилади ва прагматик фикрлаш, прагматик қаракат қилиш, прагматик фаолият кўрсатиш маъноларини ифодалаш учун хизмат қилади. Тилшунослик нуқтаи назаридан прагматик фаолият деганда энг муқим маълумотни ҳам сўз билан аниқ, яққол ва тушунарли ифодалаш англашилади.

Прагматик тилшуносликнинг марказий масаласи бўлиб фаолият ва унинг моқияти, фаолият турлари, ички ва ташқи фаолият, жисмоний ва ақлий фаолият, фаолиятнинг маъно билан боғлиқлиги, мақсадга йўналганлиги, маълум қонуният ва мезонларга амал қилиши, масъулият билан боғлиқлиги, комплекслиги, тавсиф билан боғлиқлиги ва тавсифнинг тил воситасида рўёбга чиқиши ва қар қандай фаолият предметда ўз ифодасини топиши, предмет эса бу тил эканлиги масалалари кун тартибда турган асосий масалалардан ҳисобланади. Уларни қал қилиш алоқиди тадқиқотлар мавзуси ҳисобланади.

NEMIS XALQ MAQOLLARIDA BADIY TASVIR VOSITALARINUNG QO'LLANISHI

P.J.Nazarov(SamDCHTI)

Tabiiyki, xalq maqollari asrlar davomida shakllangan teran fikrlarning majmuasi hisoblanadi. Ixcham holga keltirilgan xalq og'zaki ijodi namunalarida ma'lum bir buyoqdorlik kasb etuvchi, narsa va hodisalar mohiyatini badiiy qoliplash xususiyatini o'zida mujassamlashtiruvchi belgilar munosib o'rin tutadi.

Shuni ta'kidlab o'tish joizki, xalq tilining bunday siyqalangan shaklida har qanday so'z ham ma'lum bir jozibadorlikka ega bo'lishi, alohida badiiy tasvir vositasi vazifasini bajarishi mumkin.

Fikrimizning dalili sifatida nemis xalq maqollarining stilistikasiga doir ayrim xulosalarimizni keltiramiz.

Boshqa tillarda bo'lgani kabi, nemis tilida ham maqollarning badiiy jihatdan mukammalligi tasviriy-ifodaviy vositalarning ijobiy ta'siri asosida vujudga keladi. Kuzatishlarimiz shundan dalolat beradiki, nemis maqollarida metaforik unsurlar, ramziy ma'no ifodalovchi leksik birliklar yetakchilik qilgan ekan. Bu narsani quyidagi nemis maqollarining stilistik tahlili yordamida ham kuzatishimiz mumkin:

Wer die Wahrheit wollte begraben, musste viele Schaufeln haben. Ushbu maqolda "begraben" (ko'mmoq) fe'li metaforik, xususan, jonlantirish xususiyatini o'zida ifoda etmoqda. Qizig'i shundaki, nemis maqolidagi bu jonlantirish vositasi shu maqolning o'zbek tilidagi muqobilida boshqa bir jonlantirish unsuri yordamida beriladi: Haqiqat **egiladi**, ammo sinmaydi.

Die Angst hat Beine; Die Furcht hat tausend Augen (Qo'rqqanga qo'sh ko'rinar) maqollarida ham **Beine** (oyoq), **Augen** (ko'z) so'zlari **Angst, Furcht** (qurqoqlik) so'zlari bilan birikma hosil qilishda huddi shunday jonlantirishni yuzaga keltirganligini guvohi bo'lamiz.

Gute Ware lobt sich (Yaxshi yuk yerda qolmas) maqolining so'zma-so'z tarjimasini –"yaxshi narsalar o'z-o'zini maqtaydi" bolib, bu o'rinda "**sich loben**" (maqtanmoq) faqat insonlarga hos bo'lgan xususiyatdir.

Hunger ist der beste Koch (Ochlik eng yaxshi shifo) maqolida ochlikning **Koch** (oshpaz) sifatida talqin etilishi, **Fleiß bricht Eis** (Harakatda barakat) maqolida tirishqoqlikning (**Fleiß**) muzni sindirishi (**brechen**) kabi badiiy unsurlar jonlantirishning yaqqol namunalari hisoblanadi.

Nemis tilidagi bir qator maqollarda majoziy ma'no kasb etuvchi leksik birliklar ham uchraydi. Jumladan, "**Alter Fuchs kommt nicht zweimal ins Garn**" (so'zma-so'z tarjimasini: Qari tulki ikki marta boqqa kirmaydi) maqolida **Fuchs** (tulki) ayyorlik ramzi sifatida tavsiflanmoqda. Bu maqolning o'zbek tilidagi muqobilida ham "tulki" so'zining ko'chma ma'nosidan oqilona foydalanilgan: Qari tulki tuzoqqa tushmaydi.

Yoki **Junges Weib ist alten Mann das Postpferd zum Grabe** (Teng tengi bilan, tezak qopi bilan) maqolini olib qaraylik. Ushbu maqolda ishlatilgan **Postpferd** so'zi ko'chma ma'noda qo'llangan bo'lib, u o'ning kishiga yo'ldoshligini anglatuvchi majoziy so'zdir. Agar biz bu maqolga sinchkovlik bilan nazar soladigan bo'lsak, u holda mazkur maqolda ham o'xshatish, ham badiiy sifatlash, ham majoz kabi tasviriy-ifodaviy belgilarni birgalikda qo'llanilayotganligini payqashimiz mumkin.

O'zbek maqollarida bo'lgani kabi nemis maqollarining aksariyatida sinekdoxa badiiy tasvir vositasining guvohi bo'lamiz. Quyidagi nemis maqollarida sinekdoxadan unumli foydalanilgan:

Ein kluger Kopf hat ein geschlossener Mund (Aqlning o'lchovi idrok). Ushbu maqolda "**Mensch**"(odam) so'zi o'rnida "**Mund**" (og'iz) so'zi ishlatilgan.

Yoki, **Soviel Kopfe – soviel Sinne** (Har kallada har hayol = Bir kalladan ikki kalla yaxshi) maqolini olib qaraylik. Ushbu maqolda ham "**Mensch**" so'zi o'rnida butunning bir qismi sifatida "**Kopf**" sinekdoxasi qo'llanilmoqda.

Nemis maqollarining ko'pchiligi ikki qismdan iborat bo'lib, bu o'rinda sodda gaplardagi fikrlar o'zaro qiyoslanadi, yoki ular bir-biriga zid qo'yiladi. Masalan: **Das Pferd beim Zaum, der Mann beim Wort** maqolida o'ning bo'yinturug'da bolishi (**beim Zaum**) odamning so'zida turishiga (**beim Wort**) o'zaro qiyoslanilmoqda. **Wer langer schlaf als sieben Stund, verschlaf sein Leben wie ein Hund** maqolidagi "**wie**" bog'lovchili o'xshatish yordamida ko'p vaqtini uyqu bilan o'tkazgan odamning hayoti hayvon hayotiga teng qilinmoqda. **Kein Madchen ohne Liebe, kein Jarmarkt ohne Diebe** maqolida esa yarmarkalar o'g'risiz bo'lmaganidek, muhabbatni bilmaydigan qizlar ham yo'qligi o'zaro o'xshatilmoqda.

Ayrim nemis maqollari soda gap shaklida bo'lsa ham, undagi unsurlar bir-biriga qiyoslaniladi: **Auf eine Reise ein gutter Gefahrt ist so gut wie ein Pferd** (Yaxshi hamroh yarim yo'l). Usbu maqolda sayohatga chiquvchiga hamroh bo'lgan kishi (**Gefahrt**) sayohatchining doimiy yo'ldoshi – otga (**Pferd**) teng qilinmoqda.

Shunday nemis maqollari ham borki, ularda bir necha badiiy tasvir vositalari mazmunan uyg'unlashgan holda keladi. Bunday maqollar qatoriga quyidagilarni kiritish mumkin:

Im Feuer wird Gold, das Herz wird im Leiden gepruft (Do'st kulfatda bilinadi) maqolida ikkita gap o'zaro o'xshatilmoqda, "**das Herz**" (yurak) so'zi esa "**der Mensch**" (kishi, odam) o'rnida qo'llanilib, sinekdoxa vazifasini bajarmoqda. **Fleißige Hand erwirbt, faule Hand verdirbt**

(Harakatda barakat) maqolida to'rtta badiiy tasvir vositasi qo'llangan: qiyoslash (ishchan va dangasa qiyoslanilmoqda), jonlantirish ("erwerben", "verderben" fe'llari "yaratmoq", "yakson etmoq" ma'nolarini anglatadi va ular insonga hos xususiyatlardir), sinekdoxa ("Hand" (qo'l) so'zi "Leute"(odamlar) o'rnida ishlatilgan) va zid munosabatli so'zlar – fleiBig-faul, erwerben-verderben.

Xulosa sifatida shuni aytish mumkinki, maqollar ham ijodiy mahsul natijasi bo'lganligidan, ulardagi badiiylik bir umrga saqlanib qoladi. Badiiy tasvir vositalaridan samarali foydalanish maqollarning kishilar ongiga tezroq kirib borishida, ularning tub mohiyatini tushunib olishda muhim omil vazifasini o'taydi.

ADABIYOTLAR

1. *Nazarov P. Nemischa-o'zbekcha maqol va matallar. –Samarqand, 2001.*
2. *Xudoyberdiyev Э. Адабиётшуносликка кириш. –Тошкент: Укитувчи, 1995.*

ФОРМИРОВАНИЕ И РАСШИРЕНИЕ ЯЗЫКОВОГО ЗАПАСА ДЛЯ ЧТЕНИЯ СПЕЦИАЛЬНЫХ ТЕКСТОВ

З.Т. Зокирова (ФПИ)

Для чтения текстов по изучаемой студентами специальности необходим большой языковой запас. Поэтому проблема обучения языку была и остается одной из самых актуальных проблем методики обучения иностранному языку в неязыковом вузе. Эта проблема включает решение следующих задач:

- 1) выбор и составление эффективного словаря-минимума,
- 2) формирование потенциального словаря,
- 3) разработка методики обучения языку.

Автором статьи проведено теоретическое и экспериментальное исследование, целью которого явилось формирование и расширение языкового запаса учащихся первого курса. В рамках настоящей статьи ограничимся первыми двумя пунктами. Многочисленные статистические исследования показывает, что сравнительно небольшое количество часто встречающихся слов покрывают большую часть текста.¹ Применение количественных критериев не только обеспечивает объективный отбор лексики в словарь-минимум, но и позволяет объективно распределить его единицы по этапам обучения.

Тексты соответствующего подъязыка обладают естественной повторяемостью слов, что способствует их запоминанию и позволяет уменьшить количество упражнений. Для слов определенного подъязыка характерны присущие им валентностные связи, реализуемые в словосочетаниях.

Эти словосочетания, минимальные единицы смысла, хорошо запоминаются в силу их частой повторяемости и способствуют пониманию при чтении. Тематическая связанность слов обеспечивает произвольное запоминание наиболее важных с информативной точки зрения слов терминов. Важной чертой описываемого подхода является создание глубокой мотивированности обучения, которая вытекает из непосредственной связи курса обучения иностранному языку (чтение текстов по специальности) с будущей профессиональной деятельностью студентов. Учебно-речевая модель отвечает одному из основных дидактических принципов-принципу доступности. Это достигается отбором текстов описательного характера, не содержащих смысловых трудностей.

Суммируя отдельные моменты, перечислим меры, которые по нашему представлению, способствуют расширению языкового запаса студентов для чтения специальных текстов:

- 1) для понимания производных слов-образовательный минимум первого курса-следует ввести образцы-эталонные на материале единиц учебно базового языка;

¹ Статистика речи и автоматический анализ текста. Под ред. Р.Г.Пиотровского -Л.,1974.

- 2) при введении слов учебно-базового языка, имеющих омонимы в «реальном потенциале», ввести эти омонимы (учитывая, что они малочисленны);
- 3) для создания установки на восприятие слов с омонимичными моделями ввести образцы-эталонные с этими моделями;
- 4) при введении гнезд учебно-базового языка, в которых содержатся конверсионные пары, выделить это явление;
- 5) ввести конверсионный противочлен при обучении словам этой группы учебно-базового языка в том случае, когда слово «реального потенциала» имеет производящую корневую основу другого грамматического класса;
- 6) вводить конверсионные модели, не вошедшие в учебный словообразовательный минимум, по мере того как они встречаются в учебных текстах;
- 7) обучить «грамматическим уточнителям» для распознавания грамматических характеристик конверсионных единиц;
- 8) обучать явлению «атрибутивные цепочки» для понимания сложных терминов;
- 9) обучать звуко-графическим соответствиям в словах с общим корнем;
- 10) ввести дополнительные значения слов учебно-базового языка в случае семантического сдвига в производном слове «реального потенциала»;
- 11) использовать в упражнениях синонимы и антонимы к словам учебно-базового языка, лежащим за пределами зоны активизация в частотном словаре.

Выводы:

1. Проведенное исследование явилось дальнейшим развитием вероятностно-статистического подхода к обучению иностранным языкам.
2. Идея системности в языке позволила получить более эффективный учебно-базовый язык (покрываемость текста 90%).
3. Системно-вероятностный подход к обучению иностранным языкам дает возможность расширять лексический запас для чтения текстов по специальности.

СОЦИАЛЬНАЯ ЗНАЧИМОСТЬ НОМИНАЦИЙ «ВОЗРАСТ ЧЕЛОВЕКА» В АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКЕ.

Г.Ш. Атаханова (УзГУМЯ)

Проблемы социальной обусловленности языка сегодня объединяют интересы самых разнообразных дисциплинарных знаний - психолингвистики, коммуникативной лингвистики, когнитивной лингвистики, гендерной лингвистики, лингвистики текста, социолингвистики, лингвопрагматики, антропологии, культурологии и др.

Цель данного исследования - выявить социальные характеристики номинаций «возраст человека» (далее НВ) в английском языке. Как показывает наше исследование, НВ самым непосредственным образом связано с различными социальными факторами в жизни человека и общества. Между возрастными и социальными характеристиками существует прямо пропорциональная зависимость. Анализ языкового материала выявил, что в английском языке роль социального фактора возрастает в группе «молодость», «зрелость», «пожилой возраст», в то время как в группах «младенчество», «детство», «подростковый возраст» роль социального фактора резко снижается, и не всегда четко прослеживается. Эта особенность объясняется, прежде всего, свойством биологического характера данных возрастных групп, которые характеризуются отсутствием жизненного опыта, определенных знаний. Что касается, молодости и зрелого возраста, то данные группы, напротив характеризуется накопленным опытом, определенными навыками и жизненными силами. В пожилом возрасте оказывается, что социальный фактор играет также значительную роль, что, по-видимому, объясняется большим приобретенным жизненным опытом, мудростью и знаниями.

Анализ словарных дефиниций проведенных по английским словарям позволил нам выделить эксплицитные характеристики НВ и выявить маркеры социальной характеристики в НВ: *Debutante – a young upper- class woman who appears for the first time at a Ball and officially*

becomes part of fashionable society (MED); Fellow – 4 a: a man or boy of one of the lower social classes (MWCD)

В результате дефиниционного анализа нами выделены также НВ, в которых социальные характеристики являются имплицитными. Имплицитный смысл социальной обусловленности НВ может быть выявлен с помощью компонентного анализа, в частности многоступенчатый дефиниционный анализ и метода ассоциативного поля. Так, например многоступенчатый дефиниционный анализ НВ “Old timer” по словарю PED показал, что имплицитная сема (a man of **rank** or **authority**) выявляется в значении данной лексической единицы только на четвертой ступени словарных дефиниций: *old timer* → *old man* → *father* → **sire** – a man of **rank** or **authority**. Таким образом, дефиниционный анализ данной лексемы “Old-timer” позволил выявить имплицитные семы, характеризующие человека в социальном плане (a man of **rank** or **authority**).

Рассмотрев социальные характеристики как имплицитного так эксплицитного характера в системе языка, наш анализ показал, что на уровне речевых употреблений возможны лексико-семантические и семантико-стилистические трансформации, которые могут актуализировать и усиливать социальную значимость НВ: *Though in his sixties, his fresh complexion made his age impossible to guess. He was supremely intelligent and ruthless, a brilliant military commander and a born leader of men, as befitted a grandson of Genghis Khan (K. Miles. “Marco Polo”, 1992:214).*

